

الحكم تقود إلى السعادة

(الجزء الثامن عشر)

تأليف:

أنور أحد

«Ҳикматлар – саодатга етаклар»

(Ўн саккизинчи китоб)

Тузувчи ва таржимон:

Анвар Аҳмад

Тошкент:
2018 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа махлуқотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳақим Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳақим Зотнинг энг ҳақим бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳақими, севиқли Расулимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилан ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз кўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан руҳ пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа махлуқотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳақим дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналик», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қилади: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳақимларнинг кўплари ҳикматга қуйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-ҳолатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳақимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Лукмон Ҳақим ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Лукмон Ҳақим ҳақида шундай дейди:

«Батаҳқиқ, Биз Лукмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким куфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтовга сазовор Зотдир» (Лукмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Лукмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳақимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб кўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳақим деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермахсул ҳаёт кечирishiга, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиладаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хулосасини тақдим қилади.

Бир ҳақимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳақим: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хулосаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татиғулик умр бахш эта олувчи китоблар ичида энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хулосаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа халқларга қараганда анча юқори

даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, www.arabic.uz сайтнинг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлардан илҳомланган мухтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиш учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аримайдиган энг вафодор дўстдир, суҳбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга махсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуйидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:

- (1) ثقّف نفسك
- (2) كلام من القلب
- (3) حذ الحكمة
- (4) بستان الحكماء
- (5) ثقافة حول العالم
- (6) الموسوعة بوك
- (7) ثقافة وعلوم
- (8) حكمة اليوم
- (9) طريق الجنة
- (10) أقوال أعجبتني
- (11) كنوز من الحكمة

12) ذكر الله

13) عذب الكلام

14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиладиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий бахт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «**Ҳикматлар – саодатга етаклар**» "الحكم – تعود إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришларида Ўзи мададкор бўлсин.



3778. Бир ҳаким зотдан «Нима учун ҳасадчининг ғам-ғуссаси кўп бўлади?» деб сўрашди. У зот: «Чунки ҳасадчи дунёдаги ғамлардан ўз насибасини олиб, камига одамларнинг шодлигини ҳам ғам қилиб, қўшиб олган», деб жавоб берди.



3779. Ҳасан Басрий шундай дедилар: «Энг азиз нарса ҳалол пул ва Аллоҳ йўлидаги дўстдир. Дунё ишларида бундай дўст билан маслаҳат қилсанг, унинг қанчалар узоқни кўра олишини биласан. Агар у билан дин ишида ҳам маслаҳат қилсанг, нақадар юксак фаҳму фаросат соҳиби эканини биласан.



3780. Али ибн Абу Толиб розияллоху анху дедилар: «Аллоҳнинг зикри ҳар бир мўминнинг сармоясидир. Унинг даромади эса шайтондан омонда қолишдир».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الإمام الشافعي رحمه الله :

" أشد الأعمال ثلاثة :

الجود من قلة ، والورع في خلوة ،

وكلمة الحق عند من يرجى ويخاف .

3781. Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Учта амал энг қийиндир: муҳтожликдаги саховат, холи қолгандаги тақво ва бирор нарса

беришидан умид қилинадиган ёки қўрқиладиган кишининг олдида ҳақ сўзни айтиш».

قال حكيم : الرجال أربعة :

جواد و بخيل و مسرف و مقصد

فالجواد : من أعطى نصيب دنياه لنصيبه من آخرته

والبخيل : هو الذي لا يعطي واحداً منهما نصيبه

والمسرف : هو الذي يجمعهما لدنياه

والمقصد: هو الذي يعطي كل واحد منهما نصيبها



3782. Бир ҳаким зот шундай деган экан:
«Одамлар тўрт хил бўлади:

Сахий: дунёдаги насибасини охирадаги насибаси учун тухфа қилган одам.

Бахил: дунёдаги насибани ҳам, охирадаги насибани ҳам улашмаган одам.

Исрофчи: дунё ва охирадаги насибасини бу дунёнинг ўзида тамомлаган одам.

Тежамкор: дунёдаги насибасини ҳам, охирадаги насибасини ҳам ўз ўрнига қўйган одам.



3783. Умар ибн Абдулазиздан имом Али билан билан Муовия ўртасида бўлиб ўтган ходиса ҳақида сўрашди. У зот шундай дедилар: «Ўшанда жуда катта фитналар бўлган, лекин Аллоҳ қиличларимизни унга қўшилиб қолишдан сақлаган. Энди ўша фитналарга тилимиз билан қўшилиб қолишдан сақланайлик».



3784. «Бир шаҳар аҳлининг олдига келиб, таом сўрашган эди, уларни меҳмон қилишдан бош тортишди» (Каҳф сураси, 77-оят).

Қадр-қимматингни билмай, жоҳиллик қилишса, асло қайғуга ботма. Ахир Аллоҳнинг пайғамбари Мусо алайҳиссаломга бутун қишлоқ эшикларини очмай, меҳмон қилишдан бош тортган!



3785. Абдулқодир Жийлоний шундай дедилар: «Қалб Аллоҳнинг зикрида бардавом бўлса, унга Аллоҳнинг маърифати, илм, тавҳид, таваккул ва Ўзидан бошқалардан юз ўгириш насиб қилинади. Зикрда бардавом бўлиш дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик бардавом бўлишининг сабабидир».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

القرآن جنة يا من تبحثون عن جنات الله
فى أرضه

3786. Ер юзида Аллоҳнинг жаннатларини излаганлар учун Қуръон жаннатдир.

معنى كلمة دينار



قال مالك بن دينار رحمه الله
إنما سمي الدينار لأنه دين و نار
و معناه
أنه من أخذه بحقه فهو دينه
و من أخذه بغير حقه فله النار

[تفسير ابن كثير]

3787. Молик ибн Динор роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «ДИНОР сўзи «дин» ва «нор», яъни дин ва дўзах сўзидан иборат. У ким учундир ДИН, ким учундир НОРдир. Уни ҳақли бўлиб олган одам учун ДИНдир, ноҳақ олган одам учун НОРдир.



3788. Гуноҳлар тирикчилик эшиги олдидаги тўсиқдир. Банда гуноҳ содир қилса, ризқдан маҳрум бўлади.



3789. Қалб хотиржамлиги қалб саодатидан улканроқдир, чунки саодат вақтинча, хотиржамлик эса доимийдир. Қалб хотиржамлигининг энг улкан сабабларидан бири Аллоҳни зикр қилишдир.



3790. Эй ёшлар, ишонинг!

Ҳар гал ўзингизга ҳалол бўлмаган аёлга қарашдан тийилсангиз, гўёки қутичага бир тилло танга қўйган бўласиз. Ушбу қутини никоҳингиз куни очсангиз, унда икки юз минг тилло жамғармангиз бўлади!

Инсон кўзини номаҳрамларга қарашдан тийса, ўзига муносиб умр йўлдоши, бахтли оила, кўзни қувонтирадиган, йўқлигида шарафини хиоя қиладиган ифбатли завжа, итоаткор рафиқа насиб қилинади.

Ахир шундай аёл билан оила қуриш икки юз минг тиллога тенг эмасми?

Муҳаммад Ротиб Наблусий

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

﴿وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ رُوحًا﴾
سُمِّي الْقُرْآنَ رُوحًا لِأَنَّ الرُّوحَ يَحْيَا بِهِ
الجسد والقرآن تحيا به القلوب والأرواح
وتحيا به مصالح الدنيا والدين

3791. «Биз сенга Ўз амримиздан бир рухни ваҳий қилдик» (Шўро сураси, 52-оят).

Аллоҳ таоло Қуръонни руҳ деб номлади, чунки руҳ жасадга ҳаёт бахш этганидек, Қуръон ҳам қалб ва руҳга ҳаёт бахш этиб, дунё ва дин манфаатларини жонлантиради.

كيف تأخذ قرار الاستدانة ؟

- علماؤنا قسموا الحاجات البشرية إلى ثلاث :
 - 1- الضروريات .
 - 2- الحاجات .
 - 3- الكماليات .
- والمشكلة التي نراها اليوم أن القروض بدأت تدخل في كماليات الإنسان وهذا أمر منهي عنه ، بل إن الأسرة إذا عاشت على الديون فإنها لا تنهأ بعيش أبداً .

3792. Нима учун қарз оляпсиз?

Уламоларимиз инсоннинг эҳтиёжларини уч қисмга бўлишган:

1. Зарурий эҳтиёжлар.
2. Оддий эҳтиёжлар.
3. Зеб-зийнат эҳтиёжлари.

Бугунги кунда олинаётган, кейин қайтариб берилмаётган қарзлар одатда инсоннинг аслий эҳтиёжларидан ташқари бўлган зеб-зийнатлар учун олиняпти. Бундай мақсадда қарз олиш ман қилинган. Фақат қарзлар ҳисобига яшайдиган оила ҳеч қачон фаровон бўлмайди.



3793. Маймун ибн Меҳрон роҳимахуллоҳ айтадилар:

«Ўзи амалларингиз кам. Шундай бўлгач, ўша озгина амални холис, Аллоҳ учун қилинглр».



3794. Ваҳб ибн Мунаббах роҳимахуллоҳ айтдилар:

Кимда уч нарса бўлса, яхшиликка эришибди:

1. Саховат.
2. Озорларга сабр.
3. Мулойимлик.

قال الشعبي:
كنت جالساً عند شريح القاضي إذ دخلت عليه
امرأة تشتكي زوجها وهو غائب وتبكي بكاءً
شديداً، فقلت: أصلحك الله ما أراها إلا مظلومة
مأخوذاً حقها، قال: وما علمك؟ قلت: لشدة
بكائها وكثرة دموعها، قال: لا تفعل إلا بعد أن
تتبين أمرها؛ فإن إخوة يوسف جاؤوا أباهم
عشاء يبكون، وهم له ظالمون!

3795. Шаъбий айтадилар:

«Қози Шурайхнинг ҳузурида эдим. Бир хотин сафарга кетган эридан шикоят қилиб, кўп йиғлади. «Аллоҳ ислоҳ қилсин! Бу аёлнинг ҳаққи поймол бўлибди, мазлум экан», дедим. Қози Шурайх: «Буни сенга ким айтди?» дедилар. «Йиғлаб, кўз ёши қилганидан билдим», дедим. Қози Шурайх: «Аввал ишнинг ҳақиқатини билиб, кейин гапиргин. Юсуфнинг ака-укалари ҳам қилар ишни қилиб қўйиб, кечқурун отасининг олдига йиғлаб келишган-ку», дедилар.

«Кечқурун эса йиғлаганча келиб, оталарига: «Отажон, Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб, ўзимиз қувлашиб кетиб қолибмиз. Уни эса бўри еб кетибди. Лекин ростини айтсак ҳам, бизга ишонмайсиз», дейишди» (Юсуф сураси, 16-17-оятлар).

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال أبو الدرداء رضي الله عنه :

اطلبوا العلم فإن عجزتم فأحبوا أهله ، فإن لم تحبّوهم ، فلا تبغضوهم .

[صفة الصفوة ١/٢٩٨]

3796. Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтадилар: «Илм изланглар. Илм олишдан ожиз бўлиб қолсангиз, илм аҳлини яхши кўринглар. Уларни яхши кўра олмасангиз, унда ҳеч бўлмаса ёмон кўрманглар!»



3797. Бирор гуноҳ қилгинг келиб қолса, аъзоларингга ўз ихтиёрингдалигида уларни тийиб қол, чунки охиратда аъзоларинг сенинг ихтиёрингда бўлмайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: «У кунда тиллари, қўллари ва оёқлари қилиб юрган

амаллари ҳақида уларга қарши гувоҳлик берур»
(Нур сураси, 24-оят).

{ لا إله إلا الله }

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ :

" جددوا إيمانكم "

قىل : يا رسول الله ، وكيف ندد

إيماننا ؟ قال : " أكثروا من قول :

" لا إله إلا الله "

رواه أحمد بإسناد حسن

3798. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Иймонларингизни янгилаб тулинг», дедилар. «Эй
Аллоҳнинг Расули, иймонимизни қандай
янгилаймиз?» дейишган эди, «Лаа илааха
иллаллоҳ»ни кўп айтинглар», дедилар.

Имом Аҳмад ривояти.



3799. Имом Авзоъий шундай дер эдилар: «Ким тунги намозда узоқ турса, Қиёмат куни узоқ туришда Аллоҳ унга енгиллик беради».



3800. Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Дуо – ибодатдир**», деганлар. Яна бир ҳадисда: «**Дуо ибодатнинг илигидир**», деганлар.

Бу икки ҳадис ўртасидаги фарқни кўряпсизми?

«Дуо ибодатнинг илигидир», яъни у ибодатдаги энг муҳим нарсадир.

«Дуо – ибодатдир», яъни намоз ҳам дуо, закот ҳам дуо, ҳаж ҳам дуо, рўза ҳам дуодир. Дуо айна ибодатдир, яъни ибодатнинг моҳияти сен билан Роббинг ўртасидаги риштадир.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

"اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ"

"هذا الدعاء أفضل الأدعية وأوجبها على الخلق

فإنه يجمع صلاح العبد في الدين والدنيا والآخرة

3801. «Бизни тўғри йўлга бошлагин!»

Ушбу оят дуолар ичида энг афзал, халойикқа энг зарур дуодир, чунки у банданинг дини, дунёси ва охиратини жамлайди.

رأى إبراهيم بن أدهم رجلا مهموما فقال له:

أيها الرجل إني أسألك عن ثلاث تجيبني قال الرجل: نعم.

فقال له إبراهيم بن أدهم: أيجري في هذا الكون شيء لا يريدُه الله؟

قال: كلا

قال إبراهيم: أفينقص من رزقك شيء قدره الله لك؟ قال: لا

قال إبراهيم: أفينقص من أجلك لحظة كتبها الله في الحياة؟

قال: كلا

فقال له إبراهيم بن أدهم: فعلام الهم إذن؟؟!

3802. Иброҳим ибн Адҳам бир ғамгин одамни кўриб, «Мен сендан уч нарса ҳақида сўрасам, жавоб берасанми?» дедилар. У: «Ҳа», деди. Иброҳим ибн Адҳам биринчи саволни сўрадилар: «Бу коинотда Аллоҳнинг хоҳишидан бошқа иш бўлиши мумкинми?». У: «Йўқ», деди. Иброҳим ибн Адҳам:


«Аллоҳ сенга тақдир қилган ризқ камайиб қолиши мумкинми?» дедилар. У яна: «Йўқ», деди. Иброҳим ибн Адҳам: «Аллоҳ тақдир қилган ажал кечикиши мумкинми?» дедилар. У яна: «Йўқ», деди. Шунда Иброҳим ибн Адҳам: «Унда нима учун ғамга ботяпсан?» дедилар.



3803. Сен камбағалмисан?

Бир киши Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан: «Биз (Қуръонда мақталган) муҳожирларнинг камбағалларидан эмасмизми?» деб сўради. Абдуллоҳ: «Хотинингнинг бошпанаси борми?» дедилар. У: «Ҳа», деди. Абдуллоҳ: «Яшайдиган уйинг борми?» дедилар. У: «Ҳа», деди. Абдуллоҳ: «Унда сен бой экансан», дедилар. Ҳалиги киши: «Хизматкорим ҳам бор», деган эди, Абдуллоҳ: «Унда подшоҳ экансан-ку?», дедилар.

Имом Муслим ривояти.



3804. Сени У Зотнинг адли қарши олса, сағира гуноҳ қолмас. Сенга У Зотнинг фазли юзланса, кабира гуноҳ қолмас.

Ибн Атоуллоҳ Сақандарий, «Ҳикамул атоийя»



3805. Иблис Аллоҳ таолога «Азизлигинг ва улуғлигингга қасамки, мен уларни (одамларни) тўғри

йўлдан адаштираман», деганида У Зот: «Азизлигим ва улуғлигимга қасамки, модомики одамлар истиғфор айтар экан, Мен уларнинг гуноҳларини кечираман», деди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال أبو الدرداء رضي الله عنه :
إن العبد يخلو بمعاصي الله فيُلقي الله
بُغضه
في قلوب المؤمنين من حيث لا يشعر !!

3806. Абу Дардо розияллоху анҳу айтдилар:
«Банда Аллоҳга осийлик қилса, Аллоҳ унинг ўзига билдирмаган ҳолда мўминларнинг қалбида унга нисбатан ғазаб жойлаб қўяди».



3807. Банда вафот қилганидан кейин ҳам, қабрида ётган жойида етти амалдан ажр-савоб бориб туради:

1. Илм ўрганган бўлса;

2. Анҳор оқизиб қўйган бўлса;
3. Қудуқ қаздирган бўлса;
4. Хурмо (дарахт) эккан бўлса;
5. Масжид қурган бўлса;
6. Қуръонни мерос қолдирган бўлса;
7. Вафотидан кейин ортидан истиғфор айтадиган фарзанд қолдирган бўлса.



3808. Уч нарсага – Аллоҳ билади, Аллоҳ ҳисоб-китоб қилади ва Аллоҳ жазо беради деб ишониб туриб, У Зотга осий бўлишинг мумкин эмас!



3809. Умр ўтмоқда, ажал яқинлашмоқда!



3810. Абдулқодир Жийлоний шундай деган эканлар: «Барча амалларни синчиклаб ўргандим, аммо таом улашгандан афзал амални топмадим. Қани эди дунё кўлимда бўлса-ю, очларга овқат улашиб чиқсам».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

القرآن كالصاحب
كلما طالت الصحبة عرفت أسرارہ
فالصاحب لا يعطي سره لمن لا يجالسه
سوي دقائق ثم ينصرف

القران علمني


3811. Қуръон дўстга ўхшайди. У билан қанчалик кўп суҳбатлашсанг, сирларидан шунчалик кўп воқиф бўлаверасан. Дўст ҳам бироз фурсат суҳбат қурмаган кишига сирини айтмайди.



3812. Қалблар бир-бирига ўхшайди, аммо уларнинг ўртасидаги фарқ поклик бўлиб қолаверади.



3813. Қалбим мусаффо бўлсин десанг,
Аллоҳ(буюргани)ни шахватингдан устун қўйгин!



3814. Зуннун Мисрий айтади: «(Аллоҳ хақида)
нимани тасаввур қилсанг, Аллоҳ унинг аксидир».

خالد حمودة

قيل لشيخنا : طالب علم يرفع
صورة عشاء أو غداء في مواقع التّواصل
فقال: "هذا طالب بطن لا طالب علم".

3815. Устозимизга «Бир толиби илм қачон овқат еса, расмга тушиб, ижтимоий тармоқларга жойлайди», дедик. «У илм толиби эмас, қорин толиби экан», дедилар.

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

قال الفضيل :

إياك ان تدل الناس على الله ثم
تفقد أنت الطريق، واستعد بالله
دائماً ان تكون جسراً يُعبر عليه إلى
الجنة ثم يُرمى في النار

3816. Фузайл айтдилар:

«Одамларни Аллоҳ томон йўллаб, ўзинг тўғри йўлдан тойилишдан эҳтиёт бўл! Бошқалар учун жаннатга олиб борадиган кўприк бўлиб, сўнг ўзи дўзахга улоқтириладиган киши бўлиб қолишдан доим паноҳ тилагин!



3817. Бир ҳаким зот айтган экан: «Барча яхшиликларни тотиб кўрдим, аммо офиятдан афзали йўқ экан. Барча ёмонликларни бошдан ўтказдим, аммо одамларга муҳтож бўлишдан аламлиси йўқ экан».



3818. Ҳасан Басрий шундай дебдилар: «Мўмин яхшилик қила туриб, хавфу ражода бўлади. Мунофиқ эса нуқсонли бўла туриб, хотиржам бўлади».

Изоҳ: Мўмин яхшиликни тўқис адо қилса ҳам, у қабул бўлди, йўқми деб, хавфда бўлади. Мунофиқ эса ҳеч бир амални тўқис қилмаса ҳам, кўнгли тўқ юраверади.



3819. Фақиҳнинг илми оз бўлса ҳам, Аллоҳдан қўрқади. Жоҳилнинг илми кўп бўлса ҳам, Аллоҳга осий бўлади.



3820. Ушбу оят ҳаётнинг барча ғам-ташвишларига барҳам беради: «Шоядки Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликлар пайдо қилса!» (Нисо сураси, 19-оят)

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

أعظم مشروع تستطيع أن تبذل له أوقاتك
دون خوفٍ من الخسارة
هو القرآن
وأعظم خسارة أن تبذل لكل شيءٍ
إلا له!
القرآن حياة


3821. Зое бўлишидан қўрқмай вақт сарфлаш мумкин бўлган энг буюк иш – Қуръон ўқишдир. Қуръон (ўқиш ва унга амал қилиш)дан бошқа нарсага вақт сарфлаш энг улкан талофатдир!



3822. Мўмин банда ҳеч қачон гуноҳ билан бирга лаззат ҳис қилмайди. Гуноҳ билан унинг шодлиги охирига етмайди ҳам. Аксинча, гуноҳ туфайли қалби ғамга тўлади. Лекин шахватга ғарқ бўлиб, саркашликка юз тутган кимсада бундай ҳиссиёт тўсилиб қолади. Банданинг қалби бундай ғамдан жудо бўлиб қолса, гуноҳ қилган сари шодлиги ҳам, лаззати ҳам кучаяверади. Бундай кимса иймониغا ачинсин, қалби ўлиб бораётганини билиб қўйсин!



3824. Муҳаммад ибн Сирин роҳимахуллоҳ шундай дедилар: «Бир қўй соғиш миқдорича бўлса ҳам таҳажжуд намоз ўқиш керак!»



3825. «Аллоҳ мени бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўзгартиришига қодир» деб иймон келтирган пайтингда ўзингни ҳамма нарсдан беҳожат сезасан.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الفضيل بن عياض :
ما ارتفع رجل بكثرة الصلاة والصيام،
وإنما يرتفع الرجال بسخاء الأنفس،
وسلامة الصدور


3826. Фузайл ибн Иёз дедилар: «Одам намоз билан рўзани кўпайтиргани учунгина баланд даражага кўтарилиб қолмайди. Улуғлар саховат ва салим қалб билан баланд даражаларга кўтарилишади».



3827. Расулуллоҳ соллалоху алайҳи васаллам: «Мўмин одам бир тешикдан икки марта чақилмайди», дедилар.

Имом Бухорий ривояти.

Бу ҳадисни доно халқимиз «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади» деган мақол билан шарҳлайди.



3828. Аллоҳни севсанг, Аллоҳни танийсан. Аллоҳни танисанг, У Зотга гўзал ибодат қиласан. Гўзал ибодат қилсанг, У Зот сендан рози бўлади. Аллоҳ сендан рози бўлса, барча мақсадларингга эришасан!



3829. Маъруф Кархийдан «Тоат-ибодат қилувчилар нима сабабли ибодатга эришади?» деб сўрашди. У зот: «Қалбидан дунё муҳаббатини чиқариб ташлаш сабабли», дедилар.



3830. Зикр зокир учун бу дунёда ҳам нур, кабрда ҳам нур, қайта тирилганда ҳам нур, сирот кўпригида ҳам нур бўлади. Ҳеч нарса қалбни ҳам, қабрни ҳам Аллоҳнинг зикричалик ёрита олмайди.

< التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

من يقرأ القرآن يعطيه الله قوة ليتحمل قلبه
صدود البشر فيرى الألم منهم أمراً متوقفاً
و يرى التقصير منهم أمراً عادياً ثم لا
يراهم و يرى الله

3831. Ким доим Қуръон ўқиб юрса, Аллоҳ унинг қалбига одамлар билан муносабатларда муаммони кўтариш учун қувват бериб қўяди. Шунда у одамлардан келадиган азиятни ва улардаги камчиликни оддий нарса деб ҳисоблайди, чунки ҳар бир ишда Аллоҳни кўради, бошқани кўрмайди.



3832. Ким гуноҳ қилганидан хафа бўлиб, ўша гуноҳи сабабли солиҳ амал қилса, унда иймон борлигига далилдир.



3833. «Ва (жаннатдаги) аҳли-оиласига шоду хуррам қайтажак» (Иншиқоқ сураси, 9-оят).

Оилавий жам бўлишнинг энг бахтли лаҳзалари ана шудир. Шундай экан, жаннатда ҳам оила аъзоларимиз билан жам бўлиб тўпланиш ҳақида бир ўйлаб кўрайлик!

Аллоҳим, бизни ҳам ана шу бахтга муяссар қилгин!



3834. «Агар (Юнус) тасбеҳ айтгувчилардан бўлмаса эди, то қайта тириладиган Кунгача (балиқнинг) қорнида қолиб кетган бўлур эди» (Соффат сураси, 143-оят).

Эътибор беринг! Тасбеҳ – ҳалокатда нажот берадиган, ғам-ташвишни аритадиган ва қийинчиликда тасалли берадиган нарса экан.

قال الإمام المحاسبى

صفة العبودية

أن لا ترى لنفسك ملكاً

وتعلم أنك لا تملك

لنفسك ضراً ولا نفعاً

3835. Имом Муҳосибий шундай дедилар:
«Убудият, яъни Аллоҳга бандалик қилишнинг
белгиси ҳеч нарсага молик эмаслигини, ўзинг учун
на фойда, на зарар келтира олмаслигини
билишдир».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

نعمةً من عندنا كذلك نجزي من شكر

تتضاعف لذة النعمة

حين نستشعر أنها من الله

ليس الشأنُ في حجم النعمة

الشأنُ أنها من الله العظيم لنا نحن

3836. «(Бу нажот) Бизнинг ҳузуримиздан бир неъматдир. Шукр қилганларни мана шундай мукофотлаймиз» (Қамар сураси, 35-оят).

Неъматларнинг Аллоҳдан эканини ҳис қилсак, унинг лаззати зиёда бўлади. Бундаги кадр-қиммат неъматнинг миқдорида эмас, балки бу неъматнинг айнан биз учун буюк Аллоҳ томонидан тухфа эканлигидир.



3837. Бир ҳақим зотдан «Энг яхши аёл ким?» деб сўрашди. У зот шундай дедилар: «Энг яхши аёл – Роббини рози қиладиган, эрини суядиган, уйдан ажрамайдиган, беш маҳал намозини адо этадиган, сирини кўчага олиб чиқмайдиган, овози эшитилмайдиган, васфи билинмайдиган, қавм-қариндошлари орасида азизу муқаррам, ўз наздида ҳақир, фарзандларига меҳрибон, уйидагиларга кадрдон ва қалқон бўладиган аёлдир».

﴿ فَاثَابِكُمْ غَمًّا بَغْمًا ﴾

النصيب يصيب و لو كان تحت جبلين،
و غير النصيب لا يصيب و لو كان
بين الشفتين. قال تعالى: ﴿ فَاثَابِكُمْ
غَمًّا بَغْمًا ﴾ .. لم يقل فاصابكم بل قال
.. فَاثَابِكُمْ هل تخيلتم يوماً .. ان الغم
مثنوية ؟ يوماً ما .. ستكتشف ان
حزنك قد حماك من النار .. وصبرك
ادخلك الجنة، كلام جميل جداً. " إذا
تغلى الناس عنك في كرب فاعلم ان
الله يريد ان يتولى أمرك ، وكفى
بالله وكيلًا ..

3838. Насибанг икки тоғнинг орасида бўлса ҳам етиб келади. Насибага битилмаган нарса икки лабинг орасида бўлса ҳам етиб келмайди.

Аллоҳ таоло шундай дейди: «**Ўтган нарсага, етган мусибатга хафа бўлмаслигингиз учун сизларга ғам устига ғам берди**» (*Оли Имрон сураси, 153-оят*).

Эътибор беринг! Бошимизга ғам тушса, савоб ёзилар экан. Буни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бир кун келиб, ана шу ғам-ташвиш сизни дўзахдан қутқаради, сабр-бардошингиз эса жаннатга киритади. Қийинчиликка тушиб қолганингизда одамлар атрофингиздан қочиб кетишса, билиб қўйингки, Аллоҳ таоло ишингизни Ўз Қўлига олмоқчи экан. Кафилликка Аллоҳ кифоядир.

قال أحد الصالحين

من لم يقدر على ما يكفر به ذنوبه
فليكثر من الصلاة على محمد وآله
فإنها تهدم الذنوب هدماً



WWW.FACEBOOK.COM/AZHARTVSITE
WWW.YOUTUBE.COM/AZHARTVSITE

3839. Бир солиҳ зот шундай деган экан: «Ким гуноҳларига каффорот бўладиган, яъни уларни ювиб юборадиган ишга қодир бўлмаса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга кўп салавот айтсин, чунки салавот гуноҳларни йўқ қилади».

Соллаллоҳу алайҳи васаллам!



3840. Ахлоқ ҳам бир маблағдир. Аммо унга бирор нарса сотиб олиб бўлмайди. У билан одамларнинг қалбини сотиб олишимиз мумкин, холос.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

لا بد للطالب من أن يرد الفضل لأهله ويتأدب مع مشايخه وهذا ما تعلمناه منذ الصغر

3841. Толиби илм устозини эҳтиром қилмоғи, унинг олдида одоб сақламоғи лозим. Биз ёшлиқдан шундай таълим олганмиз.



3842. Етук аллома, муҳаддис олим Абдулфаттоҳ Абу Ғудда роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Биродар! Кундузги ишларинг учун уйғоқ бўл, кечқурун ухлайсан. Агар ишингни қилмай, кундузи ухласанг, унда зиммангдаги вазифани адо қилиш учун кечқурун ухламагин!»

Изоҳ: Ҳар кунги ишингни ўз ўрнида бажар, эртага қолдирма, чунки эртанинг ҳам ўз иши бор.

د. زغلول النجار



بمقدور الله أن يخلق سفينة دون أن يأمر
نوحًا بالبناء وأن يشق البحر دون أن يأمر
موسى بالضرب لكن يريد أن يعلمنا أن
الأهداف لا تتحقق إلا بالعمل

3843. Аллоҳ Нух алайҳиссаломга кема ясашни буюрмай, Ўзи ясаб қўйиши мумкин эди. Мусо алайҳиссаломга денгизни ҳассанг билан ур демай, денгиз орасидаги йўлни Ўзи пайдо қилиши мумкин эди. Лекин натижага фақат меҳнат ва амал билан эришишни ўргатиш учун шу ишларни буюрган.



3844. Имом Ибн Ҳазм роҳимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Олим одам Аллоҳ рози бўладиган йўл билан кифоя қилгудек ризққа эга бўлса, Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, ўшанга қаноат қилсин-да, охираат учун фойдали амалга машғул бўлсин. Тез кунда тарк

этиладиган қимматбаҳо тошлару латта-путталарга шод бўлавермасин!



3845. «Дунёдаги энг ёмон одамман» деб, виждонингни койиб, шундай туйғуда юрган бўлсанг, демак, энг покиза қалб соҳиби экансан!

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

الرسول الصادق الأمين يقول عن سورة البقرة ..
أخذها بركة .. يعني قراءتها وحفظها والعناية بها
ستعطيك بركة في أهلك ومالك وولدك وجسدك
وروحك!

3846. Содикул амийн Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам Бақара сураси ҳақида шундай дедилар: «Бақара сурасини ўқиш, ёд олиш ва унга эътиборли бўлиш аҳлингга, молингга,

фарзандингга, танангга ва руҳингга барака ато қилади».



3847. Шайтон: «Эй Одам, сенга абадият дарахтини ва битмас-туганмас мулкни кўрсатайми?» деди (Тоҳа сураси, 120-оят). Шундай деган шайтон ҳам насихатгўй кимса қиёфасида эди. Шундай экан, ҳар хил насихатчилардан эҳтиёт бўлинг!



3848. Имом Аҳмад шундай дедилар: «Илм шундай тухфаки, Аллоҳ уни фақат яхши кўрганларига беради».

كان الإمام الجليل النووي رضي الله تعالى عنه يعطي الدرس على تلاميذه ، ولما وصل إلى قول الله تعالى : { نبي عبادي أنا الغفور الرحيم * } وأن عذابي هو العذاب الأليم . فهاج بالبكاء ، فقال له تلاميذه ، وما يبكيك يا إمام ؟ فقال : ألم تنظروا إلى رحمة الله تعالى حيث نسب الرحمة والمغفرة لنفسه فقال : (أني "أنا" الغفور الرحيم) ، و لم ينسب العذاب لنفسه ، وإنما جعله مملوكا له فقال : (وأن عذابي هو العذاب الأليم) ... ولم يقل إني أنا المعذب ، فتذكرت قول ابن عباس حينما قال : إن الله ينزل رحمة يوم القيامة حتى يظن إبليس أن الله سيغفر له . اللهم اني أسألك برحمتك التي وسعت كل شيء رحمة من عندك تغنيننا بها عن سواك .

3849. Бир куни имом Нававий шогирдларига дарс бераётган эдилар. У киши Аллоҳ таолонинг «**Бандаларимга хабар бергин. Албатта, Мен Ғофурман, Роҳимман. Азобим эса аламли азобдир**» оятига етганларида ўзларини тута олмай, йиғлаб юбордилар (*Ҳижр сураси, 49-оят*). Шогирдлари «Устоз, нима учун йиғлаяпсиз?» деб сўрашди. Имом шундай дедилар: «Аллоҳ таоло «Мен Ғофурман, Роҳимман» деб, раҳмат ва мағфиратни Ўзига нисбат берганини кўрмайсизларми? «Азобим эса аламли азобдир» деб эса азоблашни бошқанинг қўл остида қилган, чунки «Ўзим азоб бераман» демади. Шундан кейин Ибн Аббоснинг «Аллоҳ Қиёмат куни раҳматларини нозил қилса, хатто

шайтон ҳам гуноҳлари кечирилишини ўйлаб қолар экан», деган сўзларини эслаб йиғлаб юбордим».

Аллоҳим! Барча нарсани қамраб олган, Ўзингдан бошқага муҳтож қилмайдиган раҳматингни сўраймиз!



3850. «Ўз ризқини кўтара олмайдиган қанчадан-қанча жонзотлар бор. Уларга ҳам, сизларга ҳам Аллоҳ ризқ беради. У эшитгувчи, билгувчи Зотдир» (Анкабут сураси, 60-оят).

Дарҳақиқат, ўйлаб кўрсак, кўпгина жонзотлар ризққа муҳтож бўлганда уни ейишдан бошқа нарсани билмайди. Ризқ топиш учун ҳаракат ҳам қилмайди. Ризқни ўзи билан кўтариб ҳам юрмайди, уни жамғармайди ҳам. Фақат ризқ керак бўлганда уни ейди, холос. Аммо бирортаси ризқ топа олмай, очидан ўлиб ҳам қолмайди, ризқини териб, еб юраверади. Фақат инсонгина ризқ тўплашни одат қилган. Илоҳий таълимотлардан узоқ бўлган баъзи одамлар ҳаётни ризқ-рўз учун курашдан иборат деб

ўйлайди. Улар ўзларича «Ризқни ўзимиз топяпмиз», деб гумон қилишади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

وَأَصْلَحْنَا لَهُ زَوْجَهُ إِنَّهُمْ كَانُوا يُسَارِعُونَ فِي
الْخَيْرَاتِ
أخي حين تتأزم حياتك الزوجية تحتاج
لعمل صالح تستعيد به صفاء بيتك

3851. «Биз уни (дуосини) ижобат қилиб, унга Яхёни ҳадя этдик ҳамда унинг учун жуфтини (туғмас кампирни туғишга қодир қилиб) ўнглаб қўйдик. Улар (мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар, Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо-илтижо қилар эдилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилгувчи эдилар» (Анбиё сураси, 90-оят).

Азиз биродарим! Билингки, оилавий ҳаётингиз (фарзандсизлик, келишмовчилик ёки йўқчилик сабаб) кескинлашса, хонадонингиз асл мусаффоликка қайтиши учун солиҳ амаллар қилишга муҳтожсиз.

معجزة لم يتم كشفها إلا بعد (١٤) قرناً يأمرنا الرسول صل الله عليه واله وسلم أن نصوم الأيام البيض من كل شهر، ولكن الغريب ليس بكلام رسول الله (صل الله عليه واله وسلم) فالمختبرات الأمريكية أكدت أن القمر لديه القدرة على امتصاص الماء الراكد من جسم الإنسان والغريب في الأمر أنه حسب المختبرات الأمريكية : يمتص القمر الماء الراكد في جسم الإنسان أيام اكتماله أي أيام (١٣ / ١٤ / ١٥) من الشهر القمري "والماء الراكد هو الماء الذي لا يطرح في العرق والبول" لذا خرج المختبر بنتيجة وهي : "ننصح الشعب الأمريكي بالإبتعاد عن الأكل والشرب في الأيام (١٣ و ١٤ و ١٥) من الشهر القمري . وهو ما أمرنا به الرسول صل الله عليه واله وسلم قبل ١٤ قرناً !! "وما ينطق عن الهوى إن هو إلا وحي يوحى" سبحانه الله !!

3852. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қамарий ойнинг 13, 14, 15-кунлари рўза тутишга буюрганлар. Ушбу ҳадис айтилганидан кейин 14 аср ўтгач, америкалик тадқиқотчилар Ойда инсон танасида тўхтаб қолган сувни шимиш хусусияти борлигини кашф қилишди. Қарангки, ой инсон танасидаги бу сувни айнан 13, 14 ва 15 кунлик бўлганида шимиб олар экан. Тўхтаб қолган сув деб томир ва пешобда тўхтаб қолган сувга айтилар экан. Буни аниқлаган кашфиётчилар Америка халқига мурожаат қилиб, қамарий ойнинг 13, 14, 15-кунлари еб-ичишни камайтиришга чақиришган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса бу таълимотни 14 аср олдин амр қилганлар.

«У ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламайди. Балки бу фақат (Аллоҳдан Пайғамбарга) ваҳий қилинаётган ваҳийдир» (Нажм сураси, 3-оят).

Субҳаналлоҳ!!!



3853. Изтироб ва кулфат одамларни ўзгартириб юборади. Оқибатда улар оз ишониб, кўп фикрлаб, узоқ пайт узлатда, яъни одамлардан панада юришади.

إذا أنت أسديت جميلاً إلى إنسان
فحذار أن تذكره . . .
وإن أسدى إنسان إليك جميلاً .
فحذار أنت تنساه . . !!
عبد الله بن المقفع

3854. Кимгадир хайр-эҳсон қилган бўлсанг, уни эслайверишдан ҳазир бўл. Амвр кимдир сенга яхшилик қилса, буни унутишдан эҳтиёт бўл!

Абдуллоҳ ибн Муқоффаъ

قال سيدي ابن عطاء الله السكندري :-
من فاته كثرة الصيام والقيام عليه أن يشغل نفسه
بالصلاة على النبي صلى الله عليه وسلم، فإنك لو فعلت
في عمرك كل طاعة ثم صلى الله عليك صلاة واحدة
رجحت تلك الصلاة الواحدة على كل ما عملته في عمرك
كله من جميع الطاعات لأنك تصلى على قدر وسعك ،
والله عز وجل يصلى على حسب ربهويته ، هذا إذا كانت
صلاة واحدة فكيف إذا صلى عليك الله عز وجل عشرًا .

من (مفتاح الفلاح ومصباح الأرواح في ذكر الله الكريم الفتح ابن عطاء الله ص 10

3855. Атоуллоҳ Сакандарий шундай дебдилар:
«Ким кўп нафл рўзалар, тунги намозларни ўтказиб юборган бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишга машғул бўлсин. Бутун умр тоат-ибодат қилиб, кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга битта салавот айтсанг, ана шу битта салавотинг бир умрлик ибодатларингдан оғир келади (чунки ҳадисда «Ким

менга бир салавот айтса, Аллоҳ унга ўн салавот айтади», дейилган. Аллоҳнинг сенга айтган битта салавоти эса барча ибодатларингдан афзалдир). Сен курбинг етганича ибодат қилгансан, Аллоҳ эса рубубиятига мувофиқ салавот айтади. У Зотнинг битта салавоти шунчалик бўлса, ўнта салавот айтса нима бўлар экан?»

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

(وما أنفقتم من شيءٍ فهو يُخلفه).
أَيُّ ضَمَانٍ أَوْثَقُ مِنْ هَذَا !!؟

3856. «Нимаики инфоқ-эхсон қилсангиз, У Зот унинг ўрнини тўлдирур» (Сабаъ сураси, 39-оят).

Бундан ортиқ яна қандай кафолат керак?




3857. «Одамлар сенга қандай муомала қилса, сен ҳам уларга шундай муомала қил» деган гап ғирт хатодир. Бу ҳақда Аббос ал-Аққод қуйидаги ажойиб

сўзни айтган эканлар: «Одамлар орасида ёлғончи, хиёнатчи ва фирибгар кимсалар бор. Буларнинг барчасига шунга яраша муомала қилсанг, ўша айбларнинг барчасини ўзингда жамлаб, энг нобакор кимсага айланасан. Шунинг учун одамлар сенга қандай муомала қилишини хоҳласанг, сен ҳам уларга шундай муомалада бўл».



3858. Неъматлар уч хил бўлади:

1. Қўлга киритилган неъмат. Банда уни билади.
2. Кутилаётган неъмат. Банда унга умидвор бўлади.
3. Ичида турилган неъмат. Банда уни ҳис қилмайди.



3859. «Қуръон тиловат қилинганда уни тингланглар ва жим туринглар, шояд раҳматга эришсангиз» (Аъроф сураси, 204-оят).

Имом Қуртубий: «Қуръон эшитганнинг савоби шундай бўлса, уни тиловат қилганнинг савоби қандай бўлади?» деган эканлар.

Аллоҳим, Қуръонни қалбларимизнинг баҳори қилгин!



3860. Тўғри, сукут қилиб, жим туриш қийин. Лекин бу кўпгина сўзларга раддия беришнинг энг юксак воситаси бўлиб қолаверади.

التغريدة

د أحمد عيسى المعصراوي

﴿ وَأَنْ لَيْسَ لِلْإِنْسَانِ إِلَّا مَا سَعَى ﴾

مبدأ ثابت مفاده :

اشتغل لنجاة نفسك
ولانتظر أحداً يوزع عنك مصاحفاً
أو يحفر بئراً بعد وفاتك !

أعمل لآخرتك

3861. «Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур» (Нажм сураси, 39-оят).

Бу ўзгармас қоида бўлиб, унинг батафсил маъноси қуйидагича: «Ўзгаларнинг яхши амалларидан сенга бирон фойда етмайди. Шундай экан, ўзинг учун ишлаб қол, вафотингдан кейин сенинг номингдан мусхаф тарқатишлари ёки қудук қазиб, сув чиқаришларини кутиб ўтирма!»



3862. Гоҳида Аллоҳ сенга атрофиндагилар орқали ҳам азият беради. Бу эса Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга – на ота-она, на ака-ука, на дўсту ошноларга боғланмаслигинг учундир. Шунда қалбинг фақат Аллоҳга боғланади. Мана шу Аллоҳнинг сенга бераётган тарбиясидир.



3863. Сатр, яъни Аллоҳ таолонинг гуноҳларни ошкор қилмай, яшириши икки хил бўлади: маъсиятдан сатр қилиш ва маъсиятни сатр қилиш.

Авомлар бандаларнинг назаридан қолишдан кўрқиб, Аллоҳдан маъсиятни сатр қилишни сўрайди.

Хослар эса ҳақиқий Эгасининг назаридан қолишдан кўрқиб, Аллоҳдан маъсиятдан сатр қилишни сўрайди.

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий



3864. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Йаа зал жалаали вал икром» (Эй улуғлик ва икром соҳиби) деб дуо қилаётган бир кишини олдидан ўтаётиб, «Дуоинг ижобат бўди, сўрайдиганингни сўрайвер», дедилар».

Имом Бухорий «Адабул муфрад»да ривоят қилган.

يقول شاب :
 أثناء عودتي من عملي متاخرا كعادتي ؛
 شاهدت بائع الموز يقف بالبرد ينتظر آخر زبون ؛
 لشراء آخر ما عنده من الموز ..
 فذهبت لأشتري رحمةً به رغم أن بيتي كفيه من الموز .
 و بينما أنا أتوجه نحوه إذا بشاب يظهر على جانب الطريق المقابل ؛
 و يتوجه للشراء أيضا ؛ فأعطيته الفرصة و تحيت جانبا ..
 و أخبرته أنني نويت الشراء فقط لأرحم الرجل من الوقوف بالبرد .
 فإذا بالشاب يخبرني أنه جاء لنفس السبب و أنه لديه من الموز ما يكفيه .
 فتعجبت و قلت في نفسي :
 سبحان الله ! أرسل الله للرجل اثنين في نفس الوقت !
 ترى ما طبيعة هذا الرجل الذي سخر الله له رحمة الناس و تعاطفهم ؟!
 و اليوم شاهدت عامل النظافة يكنس بجوار عربة بائع الموز ،
 فإذا بالبائع يضع بعض الموز في كيس و يتاوله لعامل النظافة !
 و هنا أدركت حقيقة هامة ؛ و هي أن الله يسخر للمحسنين ؛
 من يحسنوا إليهم و يجتهد لهم جنبا من عنده بدون علمهم !



3865. Бир йигит шундай деди: «Одатдагидек, кечки пайт ишдан қайтаётиб, совуқда харидор кутиб ўтирган банан сотувчисини кўрдим. Уйимда банан бор бўлса ҳам, унга раҳмим келиб, у томонга бурилдим. Ёнига етиб бормасимдан рўпарамдан яна бир йигит унга яқинлашди-ю, мени кўриб, тўхтаб қолди. Мен йигитга «Сотиб олаверинг. Ўзи бананимиз бор, сотувчига ачинганимдан олмоқчи бўлдим, холос», дедим. Йигит кулиб юборди-да, «Менда ҳам банан бор. Лекин мен ҳам сотувчига раҳмим келиб, бир-иккита олмоқчи эдим», деди.

Субҳаналлоҳ! Аллоҳ бу сотувчининг олдига бир вақтнинг ўзида икки кишини жўнатибди. Бу сотувчида қандай сир-синоат бор эдики, Аллоҳ унга одамларнинг раҳм-шафқатини бўйсундириб қўйган экан? Бу саволнинг жавобини эшитинг:

Бугун ўша банан сотувчини кўрдим. Қарасам, бир фаррош унинг араваси атрофини супураётган экан. Сотувчи эса бир неча бананни халтага солиб, унга узатди. Ана шунда Аллоҳ яхшилик одамларнинг қалбига яхшилик қилувчиларга нисбатан меҳр солиб қўйишини англадим. Аллоҳ уларга билдирмасдан ёрдамчи лашкарларини сафарбар қилар экан!»

التغريدة



د احمد عيسى المعصراوي

قال الامام الشافعي رحمه الله :
لو أجتهدت كل الجهد على أن تُرضي
الناس كلهم فلا سبيل ، فأخلص عمك
ونيتك لله عز وجل
[المجموع للنووي (1/31)]

3866. Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Барча одамларни рози қилишга бор кучингни сарфласанг ҳам, бунинг имкони йўқ. Шундай экан, амалингни ҳам, ниятингни ҳам холис Аллоҳ учун қил».



3867. Тўлғоқ азоби 42 та суяк сингандаги оғриққа тенг бўлиб, тириклай ёниб кетгандаги оғриқдан кейинги ўринда турар экан.

Аллоҳим, фарзандини дунёга келтираётган аёлларимизни жаннатга мушарраф қилгин!



3868. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Мўмин банда вафот қилса, дунё машаққати ва озорларидан Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлиб, роҳатланади. Фожир банда вафот қилганда эса бандалар, эл-юртлар, дов-дарахтлар ва жониворлар роҳатланади».

Имом Бухорий ва Муслим ривояти.



3869. «Мени зикр қилинг, Мен ҳам сизларни зикр қиламан» (Бақара сураси, 152-оят)

Зикр ҳақида бундан бошқа оят нозил бўлмаган тақдирда ҳам, зикрнинг фазилати ва шарафига кифоя қилар эди.



3870. Бир нарсани тухфа қилишдан олдин ўша тухфанг бошқалар наздида қандай қийматга эга эканини билишга ҳаракат қил. Шунда уни кадрламайдиган кимсага бериб қўйишдан сақланасан.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قيل لأحد السلف :
كيف أنت ودينك ؟؟
فقال : تمزقه المعاصي
وأرقعه بالأسْتَغْفار ..
أستغفر الله وأتوب إليه ..

3871. Солиҳ салафларнинг бирига: «Ўзингиз ва динингиз қай аҳволда?» дейишди. У зот: «Гуноҳлар мени йиртиб, динимни парчалаб ташлади. Энди уни истиғфор билан ямаб ўтирибман», деб жавоб бердилар.

Астағфируллоҳал ъазийм ва атуубу илайҳ!



3872. Яхши инсонлар ҳеч кимга озор бермайдилар, лекин ўзлари билмаган ҳолда кўп озор чекадилар.

كان النبي يوسف عليه السلام مسجونًا ومعه
شبان آخران..
كان يوسف الأجل قلبنا وقالياً
لكن الله أخرجهم قبله !!
وظل هو رغم كل مميزاته بعدهم في السجن
بضع سنين،
الأول: خرج ليصبح خادماً
والثاني: خرج ليصلب!
ويوسف انتظر كثيرًا
لكنه خرج ليصبح عزيز مصر !!

همسة:
إلى كل الذين تتأخر أمانيتهم،
ما أخذه الله لحكمة، وما أبقاه لرحمة
قد تتأخر الأمانيت لتكثر العطايا..

"فأحسنوا الظن بالله"

3873. Юсуф алайҳиссалом зиндонга тушганларида ёнларида икки йигит ҳам бор эди. Юсуф алайҳиссалом икковидан ҳам пок зот эдилар, аммо зиндондан улардан кейин чиқдилар. Фазилатли бўлишларига қарамай, зиндонда бир неча йил қолиб кетдилар. Уларнинг бири чиқиб, хизматчи бўлди, бири эса осиб ўлдирилди. Юсуф алайҳиссалом

зиндондан чиқишни узоқ вақт кутдилар. Бироқ зиндондан чиқиб, Мисрнинг вазири бўлдилар.

Хулоса: Орзу-умидлари амалга ошмаётганлар билиб қўйсинки, Аллоҳ бир нарсани олиб қўйса, ҳикматга асосан олиб қўяди. Бир нарсани қолдирса, раҳматига биноан қолдиради. Бир нарсани кечиктирса, неъматини кўпайтириш учун кечиктиради. Шундай экан, Аллоҳга яхши гумонда бўлинг!

أعجبني هذه
للإمام الشافعي رحمه الله:

لا تحاول الانتصار في كل الاختلافات، فأحيانا
كسب القلوب أولى من كسب المواقف !!
ولا تهدم الجسور التي بنيتها وعبرتها، فربما
تحتاجها للعودة يوماً ما !!
دائماً اكره الخطأ،
لكن لا تكره المخطئ !!
أبغض بكل قلبك المعصية،
لكن سامح وارحم العاصي !!
انتقد القول، لكن احترم القائل !!
فإن مهمتنا هي أن نقضي على المرض،
لا على المرضى.

3874. Имом Шофеъийнинг ушбу сўзлари мени лол қолдирди: «Ҳар бир ихтилофда ғолиб бўлишга интилаверма. Гоҳида бир нарсага эришгандан кўра қалбларни улфат қилган яхшироқ. Ўзинг қурган, ўзинг ўтиб юрган кўприкни бузиб ташлама. Эҳтимол, бир кун келиб қайтиш керак бўлиб қолар? Хатокорни эмас, хатонинг ўзини ёмон кўр. Гуноҳни бор вужудинг билан ёмон кўр, лекин гуноҳкорга раҳм

қил, афв эт. Сўзни танқид қил, лекин уни айтган одамни ҳурмат қил. Бизнинг мажбуриятимиз беморга эмас, касалликка барҳам беришдир».



3875. Мол-дунёга барака берса, кўпайиб кетади. Фарзандга барака берса, салоҳиятли бўлади. Қалбга барака берса, бахтиёр бўлади. Вақтга барака берса, узайиб кетади. Танага барака берса, бақувват бўлиб кетади.

Аллоҳ барчамизни баракотга кўмиб ташласин!

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قراءة سورة البقرة عسيرة في بدايتها لأن
الشيطان يعلم علم اليقين عظيم نفعها فلا يريد
لك قطف ثمارها ، بعد اجتياز الصفحة ١٢ غالبا
ستنشط روحك .

3876. Тўғри, Бақара сурасини ўқиш аввалига қийин бўлади. Чунки шайтон уни ўқишда катта фойда борлигини яхши билади, бу мева ҳосил

беришини асло хоҳламайди. Аммо бу сурадан 12 бет ўқигач, дангасалигинг йўқолиб, тетиклашиб қоласан.



3877. Эй намозхон биродарим, огоҳ бўл!

Расулulloҳ соллаллаҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Бир киши 60 йил намоз ўқиса ҳам Аллоҳ унинг намозини қабул қилмайди. Эҳтимол, у рукуъни мукаммал қилиб, саждада камчиликка йўл қўйгандир. Ёки саждани мукаммал қилиб, рукуъда камчиликка йўл қўйгандир».

Ибн Абу Шайба ривояти.

عبدالعزیز الطریفی

إذا عجز الشيطان عن إيقاع الإنسان
بالمعصية صرفه عن الطاعة وإذا عجز عن
صرفه عن الطاعة صرف نيته لغير الله، لا يمل
حتى يجعله لا يدرك رحمة الله

3878. Шайтон одамни гуноҳга гирифтор қилишдан ожиз қолса, тоат-ибодатдан буриб қўяди. Тоат-ибодатдан буриб юбора олмаса, ниятини Аллоҳдан бошқага буриб қўяди. Шайтон инсон Аллоҳнинг раҳматини топа олмайдиган даражага етгунича эринмайди.



☀️ حديث الصباح ☀️

✗ نسيان القرآن بعد حفظه ✗

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ :

[غَرَضْتُ عَلَيَّ]

ذُنُوبِ أُمَّتِي ، فَلَمْ أَرَ ذَنْبًا أَكْبَرَ

من سورة من القرآن ، أو آية أوتيتها رجل ثم نسيها .

حديث حسن رواه أبو داود

3879. Қуръонни ёд олгандан кейин эсдан чиқариб қўйишнинг зарари ҳақида

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Менга умматимнинг гуноҳлари кўрсатилди. Аммо Қуръондан бир сура ёки бир оят (ёд олиш неъматини) берилгач, уни унутиб қўйганчалик улкан гуноҳ кўрмадим».

Абу Довуд ривояти.



3880. Йигит қизга: «Танишайлик, телефон рақамингиз неччи?» деди. Қиз: «189-29-02», деди. Йигит: «Рақамингиз оддий эканми?» деган эди, қиз: «Қуръони Каримнинг 2-сураси, 29-бети, 189-ояти», деди. Йигит ўша оятни қидириб топди:

«Аллоҳдан қўрқинглар, шояд нажот топсангиз» (Бақара сураси, 189-оят).

Аллоҳ барчамизга сатру иффат ва сабот берсин!

د أحمد عيسى المعصراوي




قال رسول الله صلى الله عليه
وسلم
من توضأ قبل ان ينام
نام معه ملك
كلما تحرك قال الملك اللهم اغفر
له
لاتنس أن تنشرها
(أحب لأخيك ماتحب لنفسك)

3881. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ким ухлашдан олдин таҳорат олса, бир фаришта у билан бирга тунайди, у ҳар қимирлаганда «Аллоҳим, бунинг гуноҳларини кечир», деб туради».

Ибн Ҳиббон ривоятида:

«Ким таҳорат олган ҳолда тунаса, ёнида бир фаришта бўлади. У уни уйғотмайди, агар уйғотса ҳам бир фаришта: «Аллоҳим, фалончи бандангни мағфират қил, чунки у таҳорат билан ухлаган», дейди.

«Ўзингга раво кўрганингни биродарингга ҳам раво кўр» деган ҳадисга мувофиқ, бу сўзлар сизга маъқул бўлса, бошқаларга ҳам улашинг.



3882. Бахт-саодатнинг сабаблари:

Кўзинг гўзалликни кўриши;

Қалбинг ёмонликларни кечириб юбориши;

Ақлинг афзал нарсани фикрлаши;

Руҳинг келажакдан умидвор бўлиши.

من أسباب المغفرة
بينك وبين الله خطايا لا يعلمها إلا هو ،
فإن أحببت أن يغفرها لك فاغفر واصفح أنت
عن عباده
فإنما الجزاء من جنس العمل

3883. Гуноҳларинг мағфират бўлишининг сабабларидан бири шуки, агар гуноҳларинг кечирилишини истасанг, ўзинг ҳам бошқаларнинг хато-камчиликларини кечиргин. Ахир мукофот ҳам ўша мукофотнинг жинсидан бўлиши керак-да!



3884. Ҳузайфа ибн Яман розияллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни бирор иш ранжитса, у зот намоз ўқирдилар».

Абу Довуд ривояти.

Намозга алоқангнинг ростлиги бало келган пайтда унга талпинишингга қараб белгиланади.

(Ахир инсон қийинчилик пайтида энг яхши кўрган нарсасига суянади-да!)



3885. Биринчи апрель куни ҳам, бошқа ҳар қандай кунда ҳам ёлғондан сақланинг!

Аллоҳ таоло: «Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва ростгўй зотлар билан бирга бўлинглар!» деган (*Тавба сураси, 119-оят*).

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

سئل ابن قدامة : من هو السعيد ؟ فقال : هو
الذي إذا توقفت أنفاسه لم تتوقف حسناته
فلنبادر بأعمال تجري بها أجورنا حتى بعد
مماتنا

3886. Ибн Қудомадан: «Бахтли инсон ким?» деб сўрашди. У зот: «Нафаси тўхтаса ҳам яхшиликлари тўхтамайдиган инсон», деб жавоб бердилар.

Шундай экан, вафотимиздан кейин ҳам савоби етиб турадиган ишларга шошилалик!



3887. Биринчи апрель кундаги ёлғонлар ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳазиллашиб ҳам ёлғон гапирмайдиган кишига жаннатнинг ўртасида бир уй бўлишига кафилман», деганлар.

Имом Байҳақий ривояти



3888. Айюб алайҳиссаломдан «Балога мубтало бўлганингизда сизга энг ёмон таъсир қилган нарса нима?» деб сўрашди. У зот: «Душманларнинг ичқоралиги», дедилар.

Аллоҳим, душманларнинг ичқоралигидан паноҳ бергин!



3889. «Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масих ибн Марямни Робб деб билишди. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга буюрилган эдилар. У Зотнинг Ўзидан бошқа илоҳ йўқдир. У Зот уларнинг ширкларидан покдир» (Тавба сураси, 31-оят).



3890. Атрофингдаги одамлар битмас-туганмас ғам-ташвишларингга вақтини зое қилиб, сенга тасалли беришга тайёр эмас.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

{ومن عمل صالحا فلأنفسهم يمهدون}
و أنت سائر، تذكر :
أنك تبني منزلتك في الجنة،
و توطئ لها بعملك الصالح !
تُمهد طريقك بنفسك
فأين وصلت ؟

3891. «Ким яхши амал қилган бўлса, ўзи учун замин тайёрлайди» (Рум сураси, 44-оят).

Унутма, сен ҳануз ҳаракатдасан. Жаннатдаги мақомингни қурмоқдасан. Солиҳ амалинг билан ўзинг учун замин тайёрла. Йўлингни ўзинг қур. Ҳозир қурилишнинг қайси босқичига етиб келдинг?

"من أعظم الظلم والجهل
أن تطلب التعظيم من الناس
وقلبك خال من تعظيم

الله

وتوقيره"

[[الفوائد « (ص 187)]]

الدان على الخير كتابه badratkhaier badratkhaierdz



3892. Қалбингда Аллоҳга нисбатан таъзим бўлмай туриб, одамлардан ҳурмат талаб қилишинг жоҳиллик ва зулмнинг чўққисидир.

السَّعَادَةُ شَجْرَةٌ
مَائُهَا وَغِذَائُهَا
وَهَوَاؤُهَا وَضِيَاؤُهَا
الْإِيمَانُ بِاللَّهِ ، وَالِدَارُ الْآخِرَةُ .



3893. Бахт-саодат гўё бир дарахтдир. Унинг суви ҳам, озуқаси ҳам, хавоси ҳам, ёғдуси ҳам Аллоҳга ва Охираат кунига иймондир.



3894.
Ҳаром кўп бўлса ҳам тўйдирмайди.
Ҳалол оз бўлса ҳам кифоя қилади.



3895. Ўз укангни оч бўриларга ем қилиб ташлаб қочсанг, бир кун келиб, бўрилар яна оч қолганда ўзинг уларга ем бўласан. Ўшанда сени қутқариб қоладиган уканг керак бўлиб қолади!

Юсуф сурасидаги воқеаларга ишора.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى
{ ولا يشعرون بكم أحداً }

قال أهل العلم يستفاد من هذه الآية : مشروعية
كتمان بعض الأعمال وعدم إظهارها ...

3896. «Эҳтиёт бўлсин, сизларни бировга сездириб қўймасин» (Каҳф сураси, 19-оят).

Аҳли илмлар ушбу оятга асосланиб, баъзи ишларларни ошкора қилмай, яшириш маршруъ эканини айтишган.

نُقل عن الشيخ الإمام أبي القاسم القشيري - رحمه الله - أَنَّ وَلَدَهُ مَرِيضاً شَدِيداً، قَالَ: حَتَّى أَيْسْتُ مِنْهُ وَأَشْتَدَّ الْأَمْرَ عَلَيَّ، فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ - ﷺ - فِي مَنَامِي، فَشَكَّوتُ لَهُ مَا بَوَّلَدِي، فَقَالَ لِي: أَيْنَ أَنْتِ مِنْ آيَاتِ الشِّفَاءِ، فَأَتَّبَيْتُهُ، فَفَكَّرْتُ فِيهَا، فَإِذَا هِيَ فِي سِتَّةِ مَوَاضِعٍ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ تَعَالَى، وَهِيَ قَوْلُهُ تَعَالَى:

﴿وَيَشْفِ صُدُورَ قَوْمٍ مُؤْمِنِينَ﴾ .
 ﴿وَشِفَاءٌ لِمَا فِي الصُّدُورِ﴾ .
 ﴿يُخْرِجُ مِنْ بُطُونِهَا شَرَابٌ مُخْتَلِفٌ أَلْوَانُهُ فِيهِ شِفَاءٌ لِلنَّاسِ﴾ .
 ﴿وَنَزَّلُ مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ﴾ .
 ﴿وَإِذَا مَرِضْتُ فَهُوَ يَشْفِينِ﴾ .
 ﴿قُلْ هُوَ لِلَّذِينَ آمَنُوا هُدًى وَشِفَاءً﴾ .

3897. Шайх Абулқосим Қушайрий роҳимаҳуллоҳдан нақл қилинади: «Фарзандим қаттиқ бемор бўлиб қолган пайтда ноумид бўлиб қолдим. Иш жуда қаттиқ тус олди. Шу кечаси тушимда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрибман. У зотга фарзандимнинг аҳволидан нолиган эдим, «Шифо оятларини ўқисанг бўлмайдимми?» дедилар. Уйғониб кетиб, ўйлаб қарасам, Қуръони Каримнинг олти оятида шифо ҳақида экан:

«Аллоҳ мўмин қавмнинг дилига шифо (ором) бериб, қалбидаги ғам-андуҳни кетказди» (Тавба сураси, 14-оят);

«Эй инсонлар, Роббингиздан сизларга панд-насихат, қалбингизга шифо, мўминларга эса ҳидоят ва раҳмат келди» (Юнус сураси, 57-оят);

«(Асаларининг) қорнидан турли рангдаги ичимлик чиқади. Унда одамлар учун шифо бордир» (Наҳл сураси, 69-оят);

«Мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз» (Исро сураси, 82-оят);

«Бемор бўлганимда шифо берадиган ҳам Унинг Ўзидир» (Шуаро сураси, 80-оят);

«Айтинг: «У иймон келтирганлар учун ҳидоят ва шифодир» (Фуссилат сураси, 44-оят).

قال الامام الجنيد :
من فتح على نفسه باب
نية حسنة، فتح الله عليه
سبعين بابا من التوفيق.

3898. Имом Жунайд шундай дедилар: «Ким яхши ният эшигини очса, Аллоҳ унга етмишта муваффақият эшигини очиб кўяди».



3899. «Аллоҳ ўзи истаганларга беҳисоб ризк беради» (Бақара сураси, 212-оят).

Аллома Саъдий роҳимаҳуллоҳ ушбу оятнинг тафсири шундай деганлар: «Дунёвий ризқ мўминга ҳам, кофирга ҳам берилаверади. Аммо Аллоҳ қалбнинг ризқи бўлмиш илм, иймон, Аллоҳга муҳаббат, Аллоҳдан қўрқиш, Аллоҳдан умид қилиш ва шунга ўхшаш неъматларни фақат яхши кўрганларига беради, холос».



3900. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан «Хусни хулқ нима?» деб сўрашди. У зот: «Хусни хулқ жуда осон. У табассумли юз ва мулойим сўз», дедилар.



3901. Дунёнинг бир сафарлигини, у ердан ҳеч нарса олиб кетмаслигимизни, салим қалбдан бошқа

нарсада ҳузур-ҳаловат йўқлигини англаб
етмагунимизча бахт-саодат нималигини билмаймиз.

الدين والتربية

الدين لا يمحو الغرائز ولكن يروّضها، والتربية لا تعيّر
الطّباع ولكن تهذبها.

3902. Дин ва тарбия

Дин ғаризани (инстинктни) батамом ўчириб
юбормайди, балки уни машқ қилдиради.

Тарбия ҳам табиатни батамом ўзгартириб
юбормайди, балки уни тўғри йўлга солади.



3903. Ибн Асир роҳимаҳуллоҳ: «Хуфя шаҳват – амалларингни бировлар билишини ишашингдир», деган эканлар.

Аллоҳим, бизларга сўз, феъл ва амалдаги ихлос насиб қил!



3904. Аёлларга мактуб

Нима учун баъзи аёллар ўзларида иймон ҳаловати, ибодат лаззати ва ибодат асоратини топа олишмайди?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аёл эрининг ҳаққини адо этмагунича иймон ҳаловатини топа олмайди», деганлар.

Табароний ва бошқалар ривояти.



3905. Шайх Муҳаммад Мутавааллий Шаъровий шундай дебдилар: «Моддий ҳаётингни бойларга таққослаган пайтингда динингни тақводорларнинг динига таққосласанг, адолат ва инсоф шудир. Чунки биринчисида хаёлинг хотиржамлигини қўлдан бой берасан, иккинчисида эса дину дунёингни қўлга киритасан».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله ﷻ:

﴿وَلَا أَقْسَمُ بِالنَّفْسِ اللَّوَامَةِ﴾

لا تلقى المؤمن إلا يلوم نفسه، ما أردت بكلمة
كذا؟

أما الفاجر فيمضي قُدما لا يلوم نفسه!
الحسن البصري

3906. «**Маломатчи нафс билан қасам!**»
(Қиёмат сураси, 2-оят)

Мўмин одам «Мен бу сўзни бу маънода айтмаган эдим» деб, доим ўзини маломат қилади. Фожир кимса эса ҳар қанадй иш қилса ҳам, ўзини маломат қилмайди.

Изоҳ: Ояти каримадаги «маломатчи нафс» Аллоҳ таолога ибодат қилишда бепарволик қилган эгасини маломат қиладиган нафсдир.

Қуръонда «нафс» калимаси уч хил сифат билан келади:

1. (Ёмонликка, гуноҳга) буюргувчи нафс, нафси аммора (Юсуф сураси, 33-оят);
2. Маломатчи нафс (Қиёмат сураси, 2-оят);
3. Хотиржам нафс (Фажр сураси, 27-оят).

كيف تعامل الناس؟

لا تعامل الناس على أنهم ملائكة فتعيش مغفلاً، ولا تعاملهم على أنهم شياطين فتعيش شيطاناً، ولكن عاملهم على أن فيهم بعض أخلاق الملائكة وكثيراً من أخلاق الشياطين.

3907. Одамлар билан қандай муомала қиласан?

Одамларни бирон нарсага қиё бокмайдиган фаришта деб ўйлама. Уларни адаштирувчи шайтон деб ҳам ўйлама. Одамларни фариштанинг ҳам, шайтоннинг ҳам хулқини ўзида мужассам қилган деб билиб, шунга яраша муомала қил!

قسم من الله
يشيب له الرأس ويرتجف منه العواد

فَوَرِّبْكَ لِنَسَلِنَهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿١٢﴾
عَمَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٣﴾

أين من أعدّ لهذا السؤال جواباً؟

3908. «Роббинга қасамки, уларнинг барчасидан қилиб ўтган амаллари ҳақида сўраймиз» (Ҳижр сураси, 92-оят).

Бу Аллоҳ таоло айтган шундай қасамки, уни тафаккур қилган инсоннинг сочларига оқ тушиб, қалби ларзага келади.

Бу сўроқ-саволга жавоб бера оладиганлар борми?

اقوال و حكم

والله إن العبد ليصعب عليه معرفة نيته في عمله
فكيف يتسلط على نيات الخلق.

3909. Аллоҳга қасам!

Банда баъзан ўз амалидаги ўзининг ниятини билмайди-ку, бошқаларнинг ниятини билишига йўл бўлсин!



3910. Афв қилиб, кечириш интиқомдан тотлидир.

Иш билан банд бўлиш бекорчиликдан мароқлидир.

Қаноат мол-дунёдан буюқдир.

Соғлик бойликдан афзалдир.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال تعالى :

﴿أليس الله بكاف عبده﴾


فمن قام بحقوق الله عليه فإن الله يتكفل له بالقيام

بجميع مصالحه في الدنيا والآخرة

ابن رجب : مجموع الرسائل (١١٠/٣)

3911. «Аллоҳ Ўз бандасига кифоя эмасми?»
(Зумар сураси, 39-оят)

Ким Аллоҳнинг ўз зиммасидаги ҳақларини адо этса, Аллоҳ унинг дунё ва охирадаги барча манфаатларини рўёбга чиқаради.



3912. Аёлларга мактуб

Саиъд ибн Мусаййибнинг аёли: «Биз эримизга сизлар амирларингизга гапирганингиздек (таъзим билан) гапирамиз», деган экан.

«Хулятул авлиё» китобидан

ليديروا آياتہ

من أقبح الصفات

تعنيف المذنبين بعد توبتهم

وقد يسبب ذلك إلي معاودة الذنب

﴿فَإِهِ تَابَا وَأَصْلَحَا فَأَعْرَضْنَا عَنْهُمَا﴾

﴿إِنَّ اللَّهَ كَاه تَوَّابًا رَحِيمًا﴾

د. محمد الحضوركي



3913. Энг ёмон сифат гуноҳ қилган кишиларни тавба қилганидан кейин ҳам айблашдир. Чунки кўпинча бундай одамлар ана шу айблаш туфайли яна гуноҳга қўл уради.

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

«Агар улар тавба қилиб, ўзларини тузатсалар, уларни тинч қўйинглар. Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибон Зотдир»
(Нисо сураси, 16-оят)

قال تعالى :

وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ
اللَّهَ يَجِدِ اللَّهَ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿١١٠﴾

قال ثابت البناني :

بكي إبليس فزاعاً من هذه الآية !

3914. «Ким бирон ёмон иш қилса ёки (Аллоҳнинг буйруқларига итоат этмай) ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳнинг Мағфират қилгувчи, Меҳрибон эканини кўради» (Нисо сураси, 110-оят).

Собит ал-Буноний: «Шайтон бу оятдан кўрқиб, йиғи-сиғи қилишга тушади», деганлар.



3915. Хушуъ – Роббининг ҳузурида хокисорлик, хорлик ва юкинишни қалбдан ҳис қилиш ҳамда қалбнинг юмшаб, сокинлашиб, синиқликни ҳис қилиб, куйишидир.

Хушуъ – шаҳват олови пасайиб, қалб тутуни тиниб, қалбга Аллоҳнинг буюклиги, ҳайбати ва улуғлиги жойлашиб, У Зотга нисбатан таъзим нурининг порлашидир.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

فائدة اليوم :
قال الله تعالى : (أُولَئِكَ يُسَارِعُونَ فِي
الْخَيْرَاتِ وَهُمْ لَهَا سَابِقُونَ)

من كانت الآخرة همه فليسارع بالخيرات

3916. Бугуннинг ҳикмати

Аллоҳ таоло шундай дейди: «**Ана ўшалар яхшиликларга шошилурлар ва шунинг учун мусобақа қилурлар**» (Мўминун сураси, 61-оят).

Ким охират ғамида юрган бўлса, яхшиликлар қилиб қолишга шошсин!




3917. Баъзилар ҳаром нарса ейшдан парҳез қилади, аммо тилини ғийбатдан тия олмайди.



3918. Аёлларга мактуб

Солиҳа аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Эрига ношукрлик қилувчи аёлга Аллоҳ (раҳмат) назари билан қарамайди» деган ҳадисларини ёдда тутди.

Имом Насайй ривояти.



3919. Уч нарса балони аритади:

1. Дуо.

«Агар дуоларингиз бўлмаса, Роббим сизларга ҳеч қиймат бермас» (Фурқон сураси, 77-оят).

2. Нематга шуқр қилиш.

«Роббингиз сизга: «Шуқр қилсангиз, зиёда қилурман. Куфр келтирсангиз, азобим шиддатлидир» деб билдирганини эсланг» (Иброҳим сураси, 7-оят).

3. Заиф ва бечораҳолларга ёрдам бериш.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Заифларингиз сабаблигина сизларга нусрат ва ризқ берилади» деганлар».

Имом Бухорий ривояти.



3920. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Сув ўт-ўланни ўстирганидек, зикр ҳам қалбда иймонни ўстиради», деганлар.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

الحياة إختبار .. إذا أجاب الله دعائك فهو
يزيد من إيمانك، إذا تأخر في الإجابة فهو
يزيد من صبرك، و إذا لم يجيب فهو يحمل
لك الأجل

3921. Ҳаёт имтиҳондир. Аллоҳ дуоингни ижобат қилса, иймонингни зиёда қилади. Ижобат кечикса, сабрингни зиёда қилади. Ижобат қилмаса, сўраганингдан ҳам гўзалини ато қилади.



3922. Шер сув остида ов қила олмайди. Акула сувдан ташқарида ов қила олмайди. Сен ҳам кучинг нимага етишини аниқлаб, шунга яраша муҳит танлагин.

ماجد زكي

إذا حبيب فتاة إذهب إليها من الباب
الذي تحب أن يأتي به الآخرون لأختك

**اصبروا عن الحرام يعوضكم
الله بالحلال**

3923. Бир қизга уйланмоқчи бўлсанг, бошқалар сенинг синглинг учун келадиган эшикдан боргин.

(Бунинг маъноси шуки, синглинга совчилар қай тарзда келишини хоҳласанг, ўзинг ҳам уйланадиган қизнинг уйига ўша тарзда боргин)

Эй йигитлар! Ҳаромдан четланиб сабр қилсангиз, Аллоҳ бунинг эвазига ҳалолини ато этади.



3924. Қалбнинг илмга эҳтиёжи ернинг сувга эҳтиёжидан кучли бўлади. Чунки қалб илм билан суғорилмаса, қуриб-қакшаб, тошга айланади. Оқибатда яхшилиги йўқолиб, ёмонлиги жиддий тус олади.



3925. Ибн Ражаб роҳимахуллоҳ шундай дебдилар: «Инсон ўзининг ёмонлигидан ғамга ботиб, шу сабабли солиҳ амал қилса, демак, унинг иймони бор экан».

التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

قال معاذ لابنه: يا بني!

إذا صليت صلاة فصل صلاة مودع, لا
تظن إنك تعود إليها أبدا, واعلم أن المؤمن
يموت بين حسنتين: حسنة قدمها, وحسنة
أخرها.

3926. Муоз ўғлига шундай деди:

«Ўғлим! Намоз ўқисанг, видолашув намозидек ўқигин, кейин яхшилаб ўқиб оларман деб ўйлама. Билиб қўй! Мўмин киши икки яхшилик орасида вафот қилади. Бири бажараётган яхшилиги, иккинчиси ҳали бажармаган яхшилиги».



3927. Лукмони Ҳаким ўғлига шундай деган экан:
«Ўғлим! Ёмонлик ёмонлик билан ўчирилади деган кимсага ишонма. Қани, иккита гулхан ёқиб кўр-чи,

бири иккинчисини ўчира оладими? Оловни сув ўчирганидек, ёмонликни ҳам яхшилик ўчиради».



3928. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Иблис: «Роббим! Барча яратганларингнинг ризқини белгилаб қўйдинг. Менинг ризқим нима?» деди. Аллоҳ: «Менинг исмим зикр қилинмаган нарса», деди».

Марфуъ ҳадис.



3929. Рибо ва зино Қуръони Каримда тақиқланган. Дин буларни очиқ-ойдин ҳаром дейди. Аммо инсон буни чеклов ва тўсиқ деб ўйлайди. Аслида эса бу инсонга керакли бўлган соғлом ҳаёт тарзининг ҳимояси учун бўлиб, худди «Майдонга мина қўйилган. Яқинлашиш ман этилади» деб ёзилган тахтачага ўхшайди.



3930. Одамларни ўзига эргаштириш учун қалам ушлаган одам билан яхшилик тарқатиш мақсадида қалам ушлаган одамнинг катта фарқи бор.

Биринчиси одамларнинг хоҳишига асир бўлиб, улар қизиқадиган нарсаларни ёзади.

Иккинчиси эса одамлар билмаса-да, улар устидан ҳукмрондир. Одамлар рози бўлмаса ҳам, олқишламаса ҳам уларга яхшилик тарқатишни истайди.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

تكفل الله لمن قرأ القرآن وعمل بما فيه
ألا يضل في الدنيا ولا يشقى في الآخرة..!
- ابن عباس رضي الله عنه.

3931. Ким Қуръонни ўқиб, унга амал қилса,
Аллоҳ уни дунёда адаштирмасликка, охиратда эса
бадбахт қилмасликка кафил бўлган!

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу



3932. Ҳасад аслида Аллоҳга душман кўзи билан қарашдир. Чунки ҳасадчи Аллоҳнинг бандага берган неъматидан нафратланади. Ваҳоланки Аллоҳ уни ўша бандага ато қилишни истаган эди.



3933. Ризқ фақат куч ва зўравонлик билан топилади деганлар хато қилибди. Ундай бўлса, фақат бургутнинг қорни тўйиб, чумчуқлар очликдан қирилиб кетган бўлар эди.



3934. «Эй Одам болалари! Шайтон ота-онангизга авратларини кўрсатиш учун устларидан либосларини ечиб, жаннатдан чиқарганидек, сизни ҳам фитнага солиб қўймасин!» (Аъроф сураси, 27-оят).

Али Тантовий шундай дебдилар: «Аллоҳнинг бу сўзига эътибор бердингизми? Шайтон низомининг

биринчи моддасида инсониятни фасод йўлга солиб, бузиш учун авратларни очиш туради».



3935. Аллоҳ мол-дунё ато қилса, сен уни сақлаб, асраш билан банд бўлдинг. Мол-дунё ато қилмаса, уни ўзинг излаб, топиш билан банд бўлдинг. Охиратиши билан қачон банд бўласан ахир?

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

صفحتين من القرآن فيها ما يقارب ألف
ومائتي حرف والحرف بعشر حسنات
تأخذ منك أربع دقائق فقط كم من
الساعات ذهبت هباءً منثورًا لاتجملوه
مهجورًا .

3936. Қуръондаги икки саҳифада тахминан 1200 та ҳарф бўлади. Ҳар бир ҳарфга ўн та ҳасанот ёзилади. Шу икки саҳифани ўқишга тўрт дақиқа вақт кетади. Шундоқ ҳам қанчадан-қанча ғанимат фурсатларни тўзондек сочиб юборяпсан. Қуръондан узоқлашганлар қаторига қўшилиб қолма тагин!



3937. Иброҳим Нахаъийнинг кўзи ғилай эди. Шогирди Сулаймон ибн Мехроннинг кўзи эса хира эди. Бир куни иккови Кўфа кўчаларидан масжидга кетишаётган эди, имом Нахаъий: «Сулаймон! Сен бошқа йўлдан кетсанг бўларди. Баъзи калтафаҳмлар ғилай кўзи ожизни етаклаб кетяпти деб, бизни ғийбат қилиб, гуноҳга ботишяпти», деди. Шунда Аъмаш: «Эй Абу Имрон, бизга нима? Ахир биз савобга, улар гуноҳга қолишяпти-ку?» деди. Шунда Нахаъий: «Субҳаналлоҳ! Биз савобга эга бўлиб, улар гуноҳкор бўлганидан кўра биз ҳам, улар ҳам омон қолгани яхши эмасми?» дедилар.



3938. «Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар. Уларни ёмон кўрсангизлар ҳам (сабр қилиб, иноқ яшайверинглар). Эҳтимол, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликлар пайдо қилиб қўйгандир?» (Нисо сураси, 19-оят).

Ушбу оятда эр хотинини ёқтирмаса ҳам, хушмуомала ва яхшилик билан яшаш кераклиги айтилмоқда. Бунда Аллоҳнинг амрига бўйсунининг ўзи кифоя!



3939. Эслатма!

Ушбу насихатомуз ҳикматлар бизнинг диндорлигимиз, намунали ёки комил инсон эканимизни англатмайди. Бу ҳикматлар аввало ўзимизга қаратилган мактубдир. Ҳар қанча олим ва диндор бўлмайлик, ҳар қанча жаҳолатга ва гуноҳга ботган бўлмайлик, биз ҳам, сиз ҳам ҳавои нафсимизга қарши курашиб, олий чўққиларни забт қилсак деган илинжимиз бор, холос. Бизлар ўзаро эслатма ва насихатга муҳтожмиз. Зеро, Аллоҳ таоло: **«Иймон келтириб, солиҳ амал қилиб, бир-бирини ҳаққа чақирганлар ва бир-бирини сабрга чақирганлардан бошқалар ҳасрат-надоматдадир»**, деган (*Аср сурасидан*).

الإكراه على الفضيلة لا يصنع الإنسان الفاضل
كما أن الإكراه على الإيمان لا يصنع الإنسان المؤمن
فالحرية هي أساس الفضيلة

الإمام محمد الغزالي - رحمه الله



3940. Фазилатга мажбурланган инсон фазилатли бўлиб қолмайди. Иймонга мажбурланган одам ҳам мўмин бўлиб қолмайди. Бунда фазилатнинг асоси эркинликдир.

Имом Муҳаммад Ғаззолий роҳимаҳуллоҳ

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي


قال الشيخ ابن سعدي رحمه الله :

" الفقر الحقيقي :

هو الإفلاس من الباقيات الصالحات "

[مجموع مؤلفاته (٦/١٧٨)]

3941. Шайх Ибн Саъдий роҳимаҳуллоҳ шундай дебдилар: «Ҳақиқий камбағаллик «Субҳаналлоҳ. Алҳамдулиллаҳ. Лаа илааҳаа иллаллоҳ. Аллоҳу акбар. Лаа ҳавла валаа қуввата иллаа биллааҳил ʼалиййил ʼазийм» каби ортда қолувчи солиҳ амал ва зикрлардан бебаҳра қолишдир».



3942. Вафот этган бўлса ҳам, эсланса қалблар яшнайдиган зотлар билан тирик бўлса ҳам, йўлиққанда қалблар сўниб қоладиган кимсалар ўртасида катта фарқ бор!



3943. Араб ҳикматларидан:

Ҳасадчининг ҳийласига сабр қил, чунки сабринг уни ҳалок қилади. Ахир олов ҳам ейиш учун бирор нарса топа олмаса, ўз-ўзини еб тугатади-ку!



3944. Бир киши қарамоғида боқимандалар кўплигидан Иброҳим ибн Адҳамга шикоят қилди. Шунда у зот: «Аллоҳ ризқини ёзмаганларини менга юбор», деган эдилар, у киши жим бўлиб қолди.

Изоҳ: Аллоҳ ҳар бир кишига белгиланган ризқни ёзиб қўйган. Шундай экан, оилани боқувчи одам уларни ўз маблағидан боқмайди, балки уларнинг ризқи сарф қилиши учун унга берилаётган бўлади.



3945. Либослар кўрғазмаси мода намоиши эмас, шаҳват қўзғатувчи воситага айланиб қолди. Ётоқхонада кийиладиган либосларни кўча-кўйда бемалол кийиб юришибди. Оталар, эрлар ва бошқа рашк қилувчилар қаерда қолди?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **«Уч тоифага Аллоҳ жаннатни ҳаром қилган: хамр ичувчига, ота-онага оқ бўлувчига ва даюсга, яъни ўз аҳлига фаҳшни раво кўрувчи кимсага».**

Имом Аҳмад ва Насаий ривояти

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال تعالى

﴿ربنا تقبل منا﴾

رفع إبراهيم وإسماعيل القواعد وقاما
بعمل عظيم ثم دعوا الله أن يتقبل منهما
تأمل
لا تغرنك أعمالك أدع أن يتقبل منك

3946. «Иброҳим билан Исмоил: «Роббимиз, биздан қабул эт, Сен эшитувчи, билувчи Зотсан» деб, Байтнинг пойдеворларини кўтараётганини эсла» (Бақара сураси, 127-оят).

Иброҳим ва Исмоил алайҳимассалом Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб, катта иш қилишди, сўнгра Аллоҳдан буни қабул қилишни дуо қилиб сўрашди.

Хайрли амалларингга маҳлиё бўлиш ўрнига, уларнинг қабул бўлишини дуо қилиб сўрагин!



3947. Алий розияллоху анху шундай дедилар:
Юқорилик истаб, тавозеда топдим.
Мартаба истаб, илмда топдим.
Ҳурмат истаб, тақвода топдим.
Мурувват истаб, ростгўйликда топдим.
Ғалаба истаб, сабрда топдим.
Ибодат истаб, парҳезкорликда топдим.
Бойлик истаб, қаноатда топдим.
Шукр истаб, розиликда топдим.
Роҳат истаб, толиқадиган ишларни тарк қилишда топдим.
Ғийбатни тарк қилишни истаб, холи қолишда топдим.
Мулк истаб, зуҳдда топдим.
Дўст истаб, солиҳ амалда топдим.
Тинчлик ва офият истаб, сукутда топдим.
Ҳамроҳ истаб, Қуръон тиловатида топдим.

Охиратда тарозу босадиган амал истаб, Аллоҳни зикр қилиб юришда топдим.

Яхшилик истаб, саховатда топдим.

(إِلا من أتى الله بقلب سليم)

قال الفضيل بن عياض :

ما ارتفع رجل بكثرة الصلاة و الصيام


وإنما يرتفع الرجال بسخاء الأُنفس وسلامة الصدر

رواه ابن جرير في عيون زلال




3948. «Аллоҳнинг ҳузурига салим қалб билан келганларгагина (фойда берур)» (*Шуаро сураси, 89-оят*).

Фузайл ибн Иёз шундай дебдилар: «Инсон (охиратда) намози ёки рўзаси кўплигидан баланд даражага кўтарилмайди. Инсон саховат ва салим қалб билангина баланд даражага кўтарилади».



3949. Абу Қилоба роҳимаҳуллоҳдан «Энг бой одам ким?» деб сўрашди. У зот: «Ризқиға рози бўлган киши», дедилар. «Энг олим одам ким?» деб сўрашди. У зот: «Одамларнинг илмидан ўз илмини бойитадиган киши», дедилар.



3950. Бошқаларга нисбатан ахлоқинг ёмонлашганини сезсанг, Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ўргатган қуйидаги дуони такрор айтиб юр: **«Аллоҳумма, инний аъузу бика минаш-шиқоқи ван-нифоқи ва суу`ил-ахлоқ»** (Аллоҳим, ўзаро адоват, нифоқ ва ёмон ахлоқдан паноҳ бер).

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال رسول الله ﷺ (من أحب أن يبسط له في رزقه ، وينسأ له في أثره ، فليصل رحمه). رواه البخاري.

صلة الرحم زيادة في الرزق
وذكر طيب بعد الموت.

3951. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким ризқи кенг бўлишини ёки**

ажали кечга сурилишини истаса, силаи раҳм қилсин».

Имом Бухорий ривояти.


Қариндош-уруғлар билан алоқани узмаган одамнинг ризқи кенг бўлиб, ўлганидан кейин яхши ном қолдираар экан.

(Чунки, ажали ортга сурилиши билан инсон кўплаб яхшиликларни амалга оширади ва ўзидан яхши ном қолдиради).



3952. Аллоҳим, одамларнинг ёмонлигидан асра, уларга Ўзинг кифоя қил!

Чунки улар муваффақиятга эриша олмаганларни таҳқирлашади, ютуққа эришганларни парчалаш учун эса бор кучларини ишга солишади.



3953. Инсон олтмиш йил яшаса, умрининг ярмини тун йўқ қилади. Қолган ярмида эса ўнгу сўлга караб, ғафлатда қаерга сарф қилганини билмайди. Қолган ўша ярмининг учдан бирида орзу-ҳавас, қизиқишлар ва оила боқиш учун касб-кор билан машғул бўлади. Қолган умрида бетоблик, қарилик, ғам, сафар ва кўчиш билан машғул бўлади. Бутун ҳаётини шу тарзда ўтказиб, яна узоқ умр кўришни исташ айни жоҳилликдир.

(Бу гаплар телевизор, уяли телефон ва интернет йўқ пайтларда айтилган. Ҳозирги аҳвол барчамизга маълум)



3954. Шаҳвати қаршисида ожиз қолган гуноҳкор бандага беписанд қарама. Эҳтимол, сен тоат-ибодатингга мағрур бўлган пайтингда у Аллоҳнинг амрини адо эта олмагани учун надомат қилиб, кўз ёши тўккани учун Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилиб, сенинг ибодатингни қабул қилмас?!



3955. Имом Шотибий шундай дебдилар: «Бахтиёр инсоннинг аломатлари шуки, ибодат унга осон қилиб қўйилади, амали суннатга мувофиқ қилиб қўйилади, салоҳиятли зотлар билан ҳамсуҳбат қилиб қўйилади, биродарлари билан ахлоқи гўзал қилиб қўйилади, барчага яхшилик улашувчи қилиб қўйилади, мусулмонларга эътиборли қилиб қўйилади, вақтидан унумли фойдаланадиган қилиб қўйилади».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

كان مالك بن دينار يقوم طول ليلة قابضاً
على لحيته، ويقول: «يا رب قد علمت ساكن
الجنة من ساكن النار، ففي أي الدارين
منزل مالك»

3956. Молик ибн Динор тун бўйи соқолларини ушлаб, «Ё Роббим! Жаннатга ва дўзахга тушувчиларни биласан. Моликнинг манзили қайси бирида?» деб чиқар эдилар.

قال الواسطي:

علامة المؤمن أربعة:

لا يشكو من المصائب،

ولا يتخذ عمله رياء،

ويحتمل أذى خلقه ولا يكافئهم،

ويداري عباده على تفاوت أخلاقهم.

عجائب القرآن: ص 102 للإمام فخر الرازي

3957. Воситий шундай дебдилар:

«Мўминнинг аломати тўрттадир:

1. Мусибатлардан шикоят қилмайди.
2. Амалини хўжақўрсинга бажармайди.
3. Одамларнинг озорини кўтаради, аммо жавоб қайтармайди.
4. Ахлоқ тафовутига қарамай, ҳамма билан муросада яшайди».



3958. Сукут қилиб, жим туриш сизни ҳеч ким тушунмаган пайтдаги руҳнинг йиғисидир.




3959. Вадийъа ал-Ансорий шундай дебдилар:

«Умар ибн Хаттобнинг бир кишига шундай ваъз қилганини эшитганман: «Бефойда гапларни гапирма. Душманингдан батамом четлаш. Ишончли дўстларингдан бошқалардан эҳтиёт бўл. Ишончли дўст деб, Аллоҳ таолодан кўрқиб, Унга итоат қиладиган кишига айтилади. Гуноҳ қилиб юрувчи фожир билан бирга юрма, чунки у сенга ҳам гуноҳ қилишни ўргатади. Сирингни уларга оча кўрма. Ишингни фақат Аллоҳ таолодан кўрқадиганлар билан маслаҳат қил!»



3960. Аллоҳ жуда кўп бандаларига соғлик, заковат, мол-дунё ва ҳусн ато қилади. Лекин сокинлик ва хотиржамликни соф мўмин бандаларигагина ато қилади. Инсон бахт-саодатининг энг катта сабабларидан бири мана шудир. Хотиржамлик Аллоҳнинг бандаларига ато қилган муҳаббатининг меваларидандир. Барча нарсада розилик туйғусини бериб қўйиши Аллоҳ муҳаббатининг аломатидир, яъни борлигинг, ҳолатинг, фарзандларинг, аҳли-аёлингдан, топган ризқингдан ва барча бўйсундириб қўйилган нарсалардан рози бўлишингдир. Кимга розилик туйғуси бериб қўйилса, демак, Аллоҳ уни бахтиёр қилибди. Аллоҳга қасамки, рози мўминнинг қалби ёриб кўрилса, у ерда албатта бахт бўлади. Бу бахтни бутун дунё аҳлига улашиб чиқилса, ҳаммасига етади.



3961. Асҳобул каҳф (ғор аҳли) Роббларига гўзал гумон билан ухлашган эди. Уйғонишганида атрофларидаги дунё (яхши томонга) батамом ўзгариб бўлган эди.

Аллоҳ сенга раво кўрган нарса сен орзу қилган нарсадан яхши эканига доим ишонгин!

كلما طهر القلب رق
فإذا رق راق
وإذا راق ذاق
وإذا ذاق فاق
وإذا فاق اشتاق
وإذا اشتاق هبت عليه نسائم القرب
(من ذاق عرف ومن عرف اغترف)

3962. Қалб покиза бўлса, мулойимлашади.
Мулойимлашса, завқланади.
Завқланса, юксалади.
Юксалса, шавқланади.
Шавқланса, унда Аллоҳга қурбат шабадаси эсади.
Ким завқ олса, Аллоҳни танийди.
Ким Аллоҳни таниса, мақсадига эришади.



3963. Бобом менга шундай деган эдилар: «Қалбларни ром қилиш билан қалбларни синдириш ўртасида жуда нозик бир ип бор. Унинг номи услубдир».



3964. Ужбдан хавфсираш

Муторриф ибн Абдуллоҳ айтади: «(Тунги ибодатлардан) ухлаб қолиб, афсус чекканим тунни ибодатда ўтказиб, ужбланганимдан яхши».

Заҳабий: «Аллоҳга қасамки, ўзини покиза деб ўйлаб, ужбга кетган одам нажот топмайди», деганлар.

* Ужб – ўздан мамнунлик, қониқиш ва ўзига-ўзи лол қолиш.



3965. Телефонингизни очиб, ундаги Аллоҳни ғазаблантирадиган нарсаларни батамом ўчиринг-да, «Роббим! Сен учун ундаги ёмон нарсаларни ўчирдим», деб айтинг.

Унутманг! Ким бир ишни Аллоҳ учун тарк қилса, Аллоҳ ундан яхшироқ нарсани эваз қилиб беради!

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قارئ القرآن لا يشكوهما ولا غما ولا ضيقا ولا
ضجراً
قال أحد السلف
لم أرَ خليلاً يرفع قدر خليله كالقرآن
فطوبى لمن اتخذ القرآن خليلاً

3966. Қуръон ўқийдиган инсон ҳеч қачон ташвиш, ғам-ғусса чекмайди, сиқилмайди, зерикмайди.

Солиҳ салафлардан бири: «Қуръондек дўстининг кадрилини кўтарадиган ҳамроҳни кўрмадим. Қуръонни дўст тутганларга олқишлар бўлсин!» деган экан.

قال إبراهيم بن أدهم رضى الله عنه
على القلب ثلاثة أعطية ،
الفرح والحزن والسرور ،
فإذا فرحت بالموجود فأنت حريص ،
والحريص محروم ، وإذا حزنت على
المفقود فأنت ساخط ، والساخط معذب ،
وإذا سررت بالمدح فأنت معجب ،
والعجب يحبط العمل ،

3967. Иброҳим ибн Адҳам роҳимаҳуллоҳ шундай дебдилар: «Қалбнинг учта қатлами бор: хурсандлик, маҳзунлик ва мамнунлик. Ўзингда бор нарсага хурсанд бўлсанг, очкўз экансан. Очкўзлик маҳрумликдир. Бой берган нарсангга хафа бўлсанг, ғазаб қилувчи экансан. Ғазаб қилувчи азобга лойиқдир. Одамларнинг мақтовидан мамнун бўлсанг, ужб касалига мубтало бўлибсан. Ужб касалига дучор бўлган киши амалини ҳабата қилади.

* Ужб – ўздан мамнунлик, қониқиш ва ўзига-ўзи лол қолиш.

Аллоҳим! Хотимамизни чиройли қилгин, бизни ҳам, ота-оналаримизни ҳам мевалари яқин бўлган олий жаннатга мушарраф қилгин!



3970. Яҳё ибн Муоз роҳимаҳуллоҳ шундай дебдилар: «Жаннат ёқимсиз нарсалар билан ўралган. Дўзах ёқимли нарсалар билан ўралган. Сен эса дарди оғир беморга ўхшайсан. Инсон дорининг аччиғига сабр қилса, соғлик ва офиятга эришади. Бесабрлик қилса, дарди бедавога учрайди».

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

يامحب
في ميدان جهد الدعوة
لا يفلح الا صادق ولا ينجو الا مخلص ولا يسعد
الا التقى
فالزم تجديد النية وتنقية السريرة وتطهير القلب
واسترض ربك

3971. Эй дўст! Даъват майдонида фақат ростгўй нажот топади, фақат тақводор саодатга эришади. Шундай экан, ниятни янгилаш, ботинни софлаш,

қалбни поклаш ва Роббингни рози қилиш ҳаракатида бўл!



3972. Истиғфор билан тавбанинг қандай фарқи бор?

Истиғфор хато қаерда эканини аниқлаб беради. Тавба эса хатони тўғрилашга қарор беради.



3973. «Роббим раҳм қилмаса, нафс ёмонликка кўп ундовчидир» (Юсуф сураси, 53-оят).

Тоат-ибодат қилай десанг, нафсинг сенга осийлик қилдими, нафсинг гуноҳга буюрганда сен ҳам унга осийлик қил!



3974. Хоинликдан огоҳ бўлинг!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Қиёмат куни ҳар бир хоиннинг ялови (байроғи) бўлади, «Мана бу фалончининг хиёнати» деб айтилади».

Муттафақун алайҳ.



3975. Инсон ҳар куни: «Аставдиъуллоҳаллазий лаа тазийъу вадоиъуху дийний ва нафсий ва амаанатий ва ховаатийма ғамалий ва байтий ва

аҳлий ва аҳиббатий ва маалий ва жамийъа маа анъамаллоху биҳи ъалаййа» (Динимни, нафсимни, омонатимни, амалимнинг хотимасини, хонадонимни, аҳлу аёлимни, дўстларимни, мол дунёимни ва Аллоҳ неъмат қилиб берган барча нарсани омонати зое бўлмайдиган Аллоҳга топширдим) деса, Аллоҳ буларнинг барчасини муҳофаза қилади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال ابن المبارك رحمه الله :

(كاد الأدب يكون ثلثي الدين)

[صفة الصفوة : ٤ / ٣٧٩]

3976. Ибн Муборак роҳимаҳуллох: «Одоб диннинг учдан иккисига баробар келишига оз қолди», деганлар.



3977. Ким Аллоҳга яқин бўлиш лаззатидан баҳраманд бўлса-ю, кейин чалғиб, бузуқ йўлга тушиб қолса, бу дунёда азобланган ҳолда ҳаёт кечиради.

Энди у на жоҳиллар каби роҳатни, на орифлар каби лаззатни ҳис қила олади.



3978. Дунёни истаганлар жуда кўп. Охиратни истаганлар эа оз. Аллоҳни истаб, Унинг иродасида содиқ қолганлар эса жуда камдир.



3979. Саҳл Тустарий роҳимаҳуллоҳ шундай дебдилар: «Олтита асосий тартиб-қоидамиз бор:

1. Аллоҳнинг китобини маҳкам ушлаб, суннатга эргашиш.

2. Ҳалол ризқ топиш.

3. Озор беришдан тийилиш.
4. Гуноҳлардан четланиш.
5. Тавба қилиш.
6. Ҳақ-ҳуқуқларни адо қилиш.



3980. Бахтли ҳаётингни одамларга озор бериш устига қуриб олма!

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

الجلس والآخر الصالح يأتي بالدعاء

في البخاري :

دخل علقمة مسجدا بالشام ودعا :

(اللهم يسر لي جلسا صالحا)

فجلس له أبو الدرداء رضي الله عنه

3981. Сухбатдош ва солиҳ биродарга дуо билан эришилади.

«Саҳиҳи Бухорий»да келишича, Алқама Шом шаҳрида масжидга кириб, «Аллоҳим! Менга солиҳ сухбатдош насиб қил» деб дуо қилган эдилар, Абу Дардо розияллоҳу анҳу у кишининг олдига келиб ўтирдилар.




3982. Фарқ фақат тақвода:

Юқорида ўнгдан: 1. Эркак. 2. Аёл. 3. Оқ танли. 4. Қора танли. 5. Араб. 6. Ажам (араб бўлмаган халқ). 7. Бадавлат. 8. Камбағал.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ жисмингиз ёки суратингизга қарамайди, балки қалбларингизга қарайди».**

Имом Муслим ривояти.



3983. «Араб тилини ўрганинглари, чунки у ақлни мустаҳкамлайди, мурувватни оширади».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу



3984. Ақл билан сергаплик орасида тескари боғлиқлик бор. Ақл камайган сари сергаплик ошиб бораверади. Ақл кўпайган сари сергаплик камайиб, унинг ўрнини сукут эгаллайди.



3985. Ўзингни бахтиёр ҳис қилиб яша!

Бахт-саодат мол-дунёда эмас, Аллоҳ ёзган тақдирга рози бўлишдадир.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

الدُّنْيَا تَأْخُذُ مِنَّا كُلَّ شَيْءٍ جَمِيلٍ
وَمَعَ ذَلِكَ نَهْتَمُّ بِهَا !!
وَالْآخِرَةُ تُعْطِينَا كُلَّ شَيْءٍ جَمِيلٍ
وَمَعَ ذَلِكَ نَغْفَلُ عَنْهَا !!
اللَّهُمَّ لَا تَجْعَلِ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمِّنَا

3986. Дунё биздан барча гўзал нарсаларни олиб кўяди. Лекин шунда ҳам биз унга эътибор бераверамиз.

Охират бизга барча гўзал нарсаларни тортиқ қилади. Лекин шунда ҳам биз ундан ғафлатда қоламиз.

Аллоҳим! Дунёни энг катта ғамимиз қилиб қўймагин!



3987. Асалари покиза нарсани еб, покиза нарса чиқарадиган жонивордир. Аллоҳ унга ваҳий нозил қилган. Қуръони Каримдаги битта сура унинг номи билан номланган.


Сиз ҳам асаларидан уч нарсани ўрганинг:

1. Покиза таом ейиш.
2. Озор бермаслик.
3. Бошқаларга манфаат бериш.



3988. Гуноҳлар тоат-ибодатга дангасалиқдан бошланади.

Аллоҳим! Ожизлик ва дангасалиқдан паноҳ бергин!



3989. Ибн Атоуллоҳ Сакандарий шундай дебдилар: «Ким зикрларни бардавом айтиб юрса, унга кўплаб нур йўлланади, кўздан ғойиб пардалар унинг учун очилади».



3990. Бир ҳаким зотдан: «Ёшингиз нечага чиқди?» деб сўрашган эди, «Соғлигим яхши!» дедилар. «Бойлигингиз борми?» деб сўрашган эди, «Қарзим йўқ!» дедилар. «Душманингиз борми?» деб сўрашган эди, «Қариндошларимдан узоқда яшайман!» дедилар.

Изоҳ: Сўнгги жавобни ўқиб, «Қариндошлардан узоқ яшаш керак экан-да», деб хулоса қилманг. Қариндошлардан етадиган азиятга сабр қилишда ҳам ажр бор, иншааллоҳ!

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال رجلٌ لزهير بن نعيم رَجِمَهُ اللهُ :

أتوصيني بِشيءٍ ؟

فقال: نَعَمْ ، احذر أن يأخذك اللهُ وأنت على غَفلة .

صفة الصَّفوة ٩/٤

3991. Бир киши Зуҳайр ибн Нуъайм роҳимаҳуллоҳга: «Менга насиҳат қилинг» деди. У зот: «Эҳтиёт бўл, Аллоҳ жонингни ғафлатдалик пайтингда олмасин!» дедилар.



"فاصبر إن وعد الله حق
ولا يستخفك الذين لا يؤمنون"

الآية تخاطب الذين كلما صبروا
أنفسهم بوعد الله سمعوا
استهزاء واستخفافا من بعض
الناس

#تدبرالقرآن



3992. «Сабр қил. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Собит иймон келтирмаганлар сени енгилтакликка бошламасин» (Рум сураси, 60-оят).

Иймонсизлар, иймони заифлар «Қачонгача сабр қиламиз? Бу сабрнинг охири борми?» деб,

безовталаниб, иғволари билан сени енгилтакликка бошламасин.

**أوحى الله إلى الدنيا :
من خدمني فاخدميه
ومن لم يخدمني
فاستخدميه**

3993. Аллоҳ дунёга шундай ваҳий қилди: «**Ким Менга хизмат қилса, сен унга хизмат қил. Ким Менга хизмат қилмаса, сен уни ўзинга хизматкор қилиб ол**».



3994. Қурол-аслаҳасиз жангга кириш мумкин бўлмаганидек, дунё, шаҳват, нафс ва васваса билан иймон ўртасидаги жангда ҳам қурол-аслаҳа керак. Бу қурол – солиҳлар суҳбатидир.



3995. Огоҳ бўлинг!

Ёмонлик амалга ошишидан олдин шунчаки бир фикр бўлади.

Зўравонлик вайрон қилишидан олдин шунчаки бир лафз бўлади.

Зулм ҳукмрон бўлишидан олдин шунчаки бир муносабат бўлади.

التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

الحياة (متعبة) لكن..! بالصلاة يحذف الباء..!

3996. Ҳаёт жуда машаққатли, лекин намоз билан унинг «б» ҳарфи ўчирилади.

Изоҳ: Арабча «мутъиба» сўзи машаққат дегани бўлиб, ундаги «б» ҳарфини ўчирсак, «мутъиа», яъни ҳузурга айланиб қолади.

لما توفي حاتم الطائي ، أراد أخوه أن يتشبه به .
فذهته أمه عن ذلك بقولها : أتريد أن تحذو حذو أخيك ؟!
لا تتعبن نفسك في ذلك يا بني :

دوحة اللغة والأدب

فأجابها بقوله : ولم لا ، أليس أخي من أمي وأبي ؟
فقالت : بلى ! ولكنه منذ ولادته كان يأبى الرضاعة إلا أن
يشاركه فيها أحد .
أما أنت ، فكنت إذا أرضعتك ، ودخل صبي بكيت إلى أن
يخرج .

3997. Хотам Тоий вафот қилгач, укаси сахийликда унга ўхшамоқчи бўлибди. Онаси унга: «Акангнинг йўлини тутмоқчимисан? Ўзингни қийнамай қўяқол, ўғлим» дебди. Ука: «Нима учун? Ахир акам билан бир ота-онадан туғилганмиз-ку?» дебди. Онаси: «Тўғри, лекин аканг шериги бўлсагина эмарди. Лекин сени эмизмоқчи бўлсам, олдингда бирор гўдак бўлса, у чиқиб кетмагунича йиғидан тўхтамас эдинг», дебди.

Изоҳ: Киши феъл-атвори гўдаклигида қандай бўлса, улғайганида ҳам шундай қолади, дейилмоқчи.



3998. Гуноҳлар қалбдаги Аллоҳни улуғлаш туйғусини заифлаштириб қўяди. Банда хоҳлайдими, йўқми, гуноҳ унинг қалбидаги виқорни сусайтириб қўяди.



3999. Ғафлат уйқусидан қаттиқроқ уйқу йўқ. Шаҳватдан оғир тутқунлик йўқ. Ғафлат оғирлиги бўлмаганида шаҳват сенга ғолиб келмас эди.

Яҳё ибн Муоз ар-Розий

متى ذكرته بلسانك فأنت تائب
ومتى ذكرته بقلبك فأنت سالك
ومتى ذكرته بسيرك فأنت عارف

سيدي عبدالقادر الجيلاني .

4000. Тилинг билан зикр қилсанг, демак сен тавба қилувчисан.

Қалбинг билан зикр қилсанг, демак сен сулукдаги сўфийсан.

Хулқинг билан зикр қилсанг, демак сен орифсан.